

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик илмий ишлаб чиқариш Маркази
Ипакчилик илмий тадқиқот институти**

**Андижон вилоятида 2016 йил пилла етиштириш мавсумини уюшқоқлик
 билан ташкил этиш ва ўтказишда бажарилиши лозим бўлган вазифалар
 юзасидан**

ТАВСИЯЛАР

Тошкент 2016

Мазкур тавсиялар Ипакчилик илмий тадқиқот институти олим ва мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган ва тайёрланган.

Ушбу тавсияларни тайёрлашда институт олимларидан биология фанлари доктори А.Б.Якубов, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Ш.Р.Умаров, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди С.Т.Валиев, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Ў.Кўчкоров, техника фанлари номзоди А.Мирзаходжаев, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Д.И.Холматов, биология фанлари номзоди Ф.К.Одилов, биология фанлари номзоди Б.У.Насириллаев, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Д.А.Исматуллаева, техника фанлари номзоди Б.Мирзаходжаев, катта илмий ходимлар Х. Жабборов, С. Арипов, Е.Ларькина, Ё.Зияева, К.Фиёсова, кичик илмий ходим Ш.Фиёсовалар бевосита иштирок этдилар.

Тавсиялар ипак қурти уруғларини боқиб, пилла етиштирувчи республика фермер хўжаликлари, ипак қурти наслли уруғчилик станциялари, ипак қурти уруғчилиги ва мутахассислари, пиллага дастлабки ишлов бериш корхоналари мутахассислари ҳамда тутчиликка ихтисослашган ва тут кўчатларини етиштириш билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари учун мўлжалланган.

Андижон вилояти туманларида тут ипак қурти боқиши ташкил этишда ўтказилиши зарур бўлган санитария– профилактика тадбирлари

Тут ипак қурти боқиши жараёнида турли касалликларни пайдо бўлиши якуний натижа – пилланинг сифати ва хосилдорлигига салбий таъсирини ўтказмай қолмайди. Мазкур қўлланмада тут ипак қурти боқиши олдидан бажарилиши лозим бўлган асосий тадбирлар баён этилади.

Ипак қуртини боқиши мавсумининг бошланиши олдидан ва унинг якунидан сўнг ипак қурти боқиладиган хоналар, инкубаториялар ва улар атрофидаги худуд синчиклаб тозаланади. Сўнг хона яхшилаб тозаланади, девор ва шифтлар оқланади. Хона поли ва инвентар иссиқ сувда ювиш воситалари (кир ювиш кукуни, хўжалик совуни) билан ювилади. Хоналарни намлаб тозалашдан сўнг, инвентар олиб кирилади ва дезинфекция бошланади.

Дезинфекция турли кимёвий воситаларни қўллаган холда намли, газли ва газли-аэрозолли бўлиши мумкин.

Ипакчиликда дезинфекциянинг 3 тури мавжуд – дастлабки, жорий ва якуний.

Дастлабки дезинфекция. Одатда қуртларни боқиши олдидан ўтказилади. Сўнгги йилларда Ўзбекистон шароитида дезинфекция асосан формалиннинг 4% ли эритмасини деворлар, шифтлар, сўкчаклар ва инвентарни бутун юзасига пуркаш йўли билан ўтказилади. 4% ли эритмани тайёрлаш учун 1 л сотувдаги 40% ли формалинга 9 л сув кўшилади. Тайёр бўлган 4% ли формалин эритмаси ишчи эритма деб аталади. Дезинфекцияни ўтказиш олдидан хона 30⁰C даражагача иситилади.

Ипак қуртини саноат учун боқища 3-4 кв.м. юзанинг дезинфекциясига 1 литр формалин эритмаси сарфланади. Насл учун боқища 2 кв.метрга – 1 л.

Дезинфекциядан сўнг эшик ва деразалардаги барча тиркишлар қоғоз билан беркитилади.

Маълумки, формалин одам ва иссиқёнли хайвонлар учун ўта заарли, шунинг учун дезинфекцияни противогаз ёки респираторда ўтказиш керак. Бундан ташқари, унинг сифатли заарсизлантириш самарасига фақатгина хонани иситилиши ва унинг герметиклигига эришилади.

Дезинфекция қилингандан сўнг 3-4 кун ўтгандан кейин хоналарни эшик ва деразалари очилиб формалинни хиди кетгунча яхшилаб шамоллатилади.

Дезинфекцияни курт боқищдан 7 кун олдин қилиш тавсия этилади.

Дезинфекция қилинган хоналарга бегоналарни кириши қатъиян ман этилади!

Жорий дезинфекция. Бевосита ипак қуртини боқиши даврида, қуртларнинг бактериал ёки замбуруғли касалликлари аниқланганда ўтказилади. У даволаш – профилактик воситалар ёрдамида амалга оширилади ва касалликнинг аниқ турига қарши, касалликнинг камайишига ва курт сонини сақлашга қаратилади.

Куртхонада пебрина юзага келишида қуртлар ғанаси билан ёқиб юборилади, хоналар ва инвентар эса 10% ли формалин эритмаси билан дезинфекция қилинади.

Якуний дезинфекция. Инкубаторияларда ипак қурти уруғининг инкубацияси тугагандан сўнг, ипак қурти уруғини тайёрлаш корхоналарида – капалакларни чатиштиришдан (папильонаждан) кейин ўтказилади.

Курт боқиши хоналаридан чиқиндилар: пўстлоқ ва жонланмаган қурт уруғи билан қоғоз қутилар, ифлосланган ғана, дасталар, эркак капалаклар ва ҳ.к. олиб

чиқилади ва ёқиб юборилади. Инвентар ташқарига олиб чиқилади, яхшилаб тозаланади, ювилади сўнг тоза хоналарга олиб кирилади.

Пебрина бўлмаган хоналарда дезинфекция 4% ли формалин билан ўтказилади.

Пебрина аниқланган хоналарда дезинфекция 10% ли формалин эритмаси билан ўтказилади.

Ушбу тавсияда белгиланган тадбирларга амал қилинса, сифатли пилла ва юкори ҳосил олиш имконияти яратилади.

Андижон вилоятида ипак куртининг саноатбоп дурагай тухумларини жонлантириш

Тут ипак қуртини парваришлаш бўйича агротехника қоидаларига қатъий амал қилган холда қўйидаги тавсиялардан фойдаланиш лозим деб биламиз. Баҳорни келишига қараб саноат учун боқиладиган тут ипак куртларини дурагай тухумлари очириладиган бино танлаб олинади. Бу бино инкубаторий деб номланади. Бундай бино ёруғ ва иситиладиган бўлиши билан бир қаторда молхона, гўнг ва химикат сақланадиган омборхоналардан узокда жойлашган бўлиши керак. Танланган бино 3 хонали бўлса ишлашга қулай бўлади. Бино тезда таъмирланиб, оқланиши шарт. Шундан сўнг тухум очириш учун зарур бўлган анжомлар (тарози тоши, съемниклар, термометр, тўшама қофоз ва ундан ясалган қутичалар, тухум очирувчи инкубистлар киядиган оқ халат ва сочиқлар ичкарига киритилади. Хона харорати 29-30°C кўтарилигандан сўнг, хонани хар 3-4 м² жойига 1 литр 4 фоизли формалин эритмаси хисобида тайёрланиб противогаз ниқоби кийиб сепиб чиқилади. Шундан сўнг эшик деразалар яхшилаб беркитилади ва 2-3 сутка ўтгач эшик деразалар очилади ва хона шамоллатилади. Бу ишлар дурагай тухум келишидан 2 хафта олдин бажарилиши лозим.

Тухумларни инкубацияга қўйиш асосан 2 та усулда бўлади: Биринчи усул даладаги тут баргларини ривожланишига қараб тут новдаларида 3-4 барг чиқиши мўлжаллаб тухумлар инкубаториядаги қофоздан ясалган маҳсус қутичаларга юпқа қилиб тўкилади, қофоз қутичаларга тухумларни партия номери ва дурагай номи ёзилади. Биринчи кун тухум тўкилганда харорат 13°C бўлса печка ёқилмайди. Эртасига печкага ўт ёқилиб 14°C га етказилади, сўнгра 15°C бўлади. Хонада нисбий намлик 75-80 фоизда ушлаб турилади. Харорат 24 даражага етганда ундан оширилмайди. Тухумлар оқариб чирсиллай бошлагандан 25°C га кўтарилади, намлик ўзгармайди. Битта-иккита хабарчи куртлар кўриниши билан 25°C га кўтарилади. Қоғоз қутичаларни устига съемник қўйиб чиқилиб назорат (контрол) тортиш ўтказилади. Олинган маълумотлар қутичага ва жонланиш ведомостига ёзиб кўйилади. Куртлар оммавий чиқа бошлиши билан қутича устига юпқа съемник ташлаб, тут барги съемник устига суркаб чиқилади. Барг суртилган съемник устига чиққан куртларни эса бўш қоғоз қутичаларга юпқа съемник билан кўтариб олинади ва шу заҳоти қолган қутича уруғи билан тортилади. Масалан, контрол тортилганда биринчи номерли партиядага 120г бўлса, қурти олингандан сўнг тортилганда унинг оғирлиги 106г қолган. Биринчи кун чиққан қуртларнинг оғирлиги 14 граммни ташкил этади. Шу тартибда инкубаторияда қуртлар жонлантирилади. Иккинчи усул, агарда даладаги барглар тез ривожланиб асосий новдаларда 4-5 барг пайдо бўлган бўлса, тухумларни олингандан сўнг биринчи куни харорат 13°C, иккинчи куни 14°C

да ушлаб турилади, учинчи кундан бошлаб 25°C га кўтарилади. Хабарчи қуртлар 1-2 дона чиққанида эса 26°C га кўтарилади. Намлик 75-80 фоизда сақланади.

Ипак қурти тухумдан чиқа бошлиши билан уни кўтариб олинади ва унинг оғирлиги аниқланади. Ҳамда қурт боқувчи звеноларга тарқатилади. Қурт боқувчи звенолар ўз вақтида келиб қуртларни олишлари учун қурт бериш кунини уларга олдиндан айтиб қўйиш шарт. Акс холда инкубаторийда жонланиб чиққан қуртлар кўп туриб қолади, бундай холларда қуртларни жон боши ҳар қутига олганда 1,5 - 2,0 минг донага камаяди.

Тухумлардан жонланиб чиққан қуртлар тайёрлаб қўйилган иссиқхоналарга жойлаштирилади ва дарҳол тут барги билан боқиши бошлаб юборилади. Ипак қурти янги терилган ширали баргнигина хуш кўриб, иштаха билан ейди, шунинг учун баргларни эрталаб, улар хали сўлимаган ва кечки пайт уларда озиқ моддалари энг кўп тўпланган вақтда териб олиш тавсия этилади.

Барглар салқин, зах жойда юпқа қават қилиб ёйиб сақланади. Барглар қуруқ жойда сақланганда устига юпқа матодан тикилган хўл чойшаб ёпиб қўйиш керак, шунда улар узок вақтгача қуриб қолмайди. Тайёрланган баргни алоҳида хонада сақлаш лозим. Барг сақланадиган хонанинг намлиги 80-85 фоиз, харорати $18-20^{\circ}\text{C}$ даражада бўлгани маъқул. Баргларни уюмлаб сақлаш ярамайди, чунки улар қизиб кетиши мумкин.

Ипак қуртларини боқиши ва пилла ўратиши

Кичик ёшдаги қуртларни боқиши. Ипак қуртининг 5 ёшдан иборат ривожланиш фазалари 22-25 кун давом этади. Кичик ёшдаги қуртлар учун барглар тут дарахти новдаларидан териб олинади. Келтирилган барг 5-7 мм кенгликда угра шаклида қирқиб берилади.

Барглар угра шаклида майда қилиб қирқиб берилганда қуртлар бир текис ўсади. Бу усулда боқилганда қуртларнинг ғана орасида қолиб кетиши камаяди. Кичик ёшдаги қуртларга ҳар икки соатда сутка давомида 8-10 марта барг берилади. Барг қуртларни боқиши олдидан тўғралади ва сўкчакдаги қурт устига бир текис қилиб ташланади.

Биринчи ёшдаги бир қути қуртларга 6-7кг, иккинчи ёшда 18-20кг, учинчи ёшда 65-70кг барг берилади.

Ипак қуртининг ўсиши ва ривожланишида муҳит асосий омиллардан бири хисобланади. Ипак қуртининг айниқса личинка даврида ҳароратга бўлган сезгирилиги жуда юқори бўлади. Қуртларнинг барг ейиш фаоллиги, уларнинг хазм бўлиши ва ёшдан-ёшга ўтиши ҳароратга боғлиқдир. Кичик ёшларда хона ҳарорати $26-27^{\circ}\text{C}$; нисбий намлик 65-75 фоизни ташкил этади.

Ипак қуртларининг ўсиши ва ривожланишида тоза ҳаво ва ёруғлик режими маълум аҳамиятга эга. Шамоллатиш режими ташқаридаги ҳаво ҳароратига боғлиқ.

Кичик ёшларда ҳар 2-3 соатда эшик ва деразаларни очиб 15-20 минут шамоллатилади.

Катта ёшдаги қуртларни боқиши. Қуртлар кесилмаган барглар ва яшил шохчалар билан боқилади. Катта ёшдаги қуртларга барглар новдаси билан берилади. Новда 70-100 см узунликда кесиб берилади. 4 ва 5 ёшдаги қуртларга сутка давомида 6 марта ҳар 3 соатда барг солинади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ипак безида ипак моддасининг хосил бўлиши қуртнинг бешинчи ёшида, айниқса даҳага кирган кунлари амалга ошади. Шунинг учун ҳам даҳадаги қуртларни тўйдириб боқиш катта аҳамиятга эга. Бу вақтда қуртларга барг беришда узилиш рўй берса, ипакнинг синтез бўлиши сусаяди. Даҳага кирган қуртлар етарли миқдорда барг билан таъминланмаса, улар ўраган пиллалар майда, ипак миқдори кам бўлиб қолади ва нави паст баҳоланади.

Катта ёшдаги қуртлар учун мўътадил ҳарорат $24\text{--}25^{\circ}\text{C}$, нисбий намлик 60-65 фоиз хисобланади.

Ҳароратнинг пасайиши қурт организмида овқатнинг хазм бўлиши ва модда алмашинувини сусайтиради бу эса албатта қуртлик даврини узайишига сабаб бўлади.

Қуртларга берилган озуқанинг самарали ўзлаштирилиши, улар жойлашган сўкчаклар юзасига боғлиқдир. Қуртлар бир меъёрда ўсиши ва ривожланиши учун қуидаги сатҳ бўлиши керак: I ёшда – 2 кв.м., II ёшда – 5-6 кв.м., III ёшда – 12-15 кв.м., IV ёшда – 25-30 кв.м., V ёшда - 60 кв.м.

Катта ёшдаги қуртлар кучли нафас олиш жараёнида кўплаб карбонад ангидрид гази ва намлик ажратади. Қуртхонада тўпланиб қоладиган ис гази ва ортиқча намлик қуртларга заарли таъсир қиласи. Шунинг учун қуртхонани вақти - вақти билан шамоллатиб туриш зарур. Ҳар 2-3 соатда эшик ва деразалар 30 минутга очилиб шамоллатилади.

Қуртлар ҳаёти давомида 4 марта ухлайди ёки пўст ташлайди. Ҳамма қуртлар бир хил ирсиятга эга бўлмаганидек, уларга ташқи муҳит ҳам турлича таъсир қиласи, шу сабабли қуртлар ҳам бир вақтда уйқуга кирмайди. Барча қуртлар уйқуга киргунча оз-оздан барг бериб турилади. Ҳамма қуртлар уйқуга кетгач, барг бериш тўхтатилади. Хона ҳарорати ва нисбий намлиги қуртлар овқатланаётганда қандай бўлса, уйқу даврида ҳам шундай сақланади.

Қуртларни ғаналаш. Қуртлар берилган баргларнинг ҳаммасини еб улгурмайди. Сўкчакларда кўплаб барг новдалари ва экскрементлар тўпланиб қолади. Бу чиқиндилар ўз вақтида олиб ташланмаса, уларнинг чириши натижасида заарли газлар ажралиб чиқади. Бунинг оқибатида қуртхоналарда турли касалликлар юзага келади. Боқилаётган қуртларни касалликка чалинмаслиги ва сифатли пилла ўраши учун тез-тез ғаналаб туриш лозим. Биринчи ва иккинчи ёшларда ғана алмаштирилмайди. Учинчи ёшда ғана бир марта қуртлар пўст ташлаган куннинг эртасига, биринчи марта барг солинаётганда алмаштириллади. Тўртинчи ва бешинчи ёшларда ғана биринчи марта қуртлар пўст ташлаган куннинг эртасига алмаштириллади. Кейин эса ғана қай дараражада тўпланишига қараб олиб турилади. Сўнгти маротаба пилла ўрашдан олдин албатта ғана алмаштирилиши керак.

Ғаналар олиб ташлангач, қуртлар боқилаётган хона, йўлак ва ховлилар супурилиб тозаланиши лозим.

Даста қўйиши. Баргга тўйган қуртлар бешинчи ёшнинг 8-9 кунларига келиб озиқланишдан тўхтайдилар ва ўз организмларини чиқиндилардан тозалаб пилла ўраш учун қулай жой излай бошлайдилар. Пилла сифат кўрсаткичлари тўғридан-тўғри ишлатиладиган даста хилига ва унинг миқдорига боғлиқ. Қуртлар тўртинчи ёшга ўтганда ҳар кути хисобига 300-350 дона табиий ўтлардан даста тайёрланади. Мингбоши, оқбош, читир ва сарик гулли ўтлардан энг яхши даста тайёрланади ва

яхшилаб қуритилади. Даста сифатида ғўзапоя, терак, тол ва бошқалардан фойдаланиш тавсия этилмайди.

Агарда дасталар яхши қуритилмай нам холда қуртларга қўйиб юборилса, хонада намлик кўпайиб кетади. Натижада ўраган пилла ичидаги ғумбакларга таъсир этиб, гум (глухарь) пиллалар 15-20 фоизга кўпаяди. Қуртларга даста қўйилганда қуртхона паст бўлса 30-40 минут, баланд бўлса, 25-30 минутга хар 2-3 соатда шамоллатиб туриш шарт.

Пилла ўраш вақтида қуртларни тоза ҳаво, мўътадил харорат $25-26^{\circ}\text{C}$ нисбий намлик 60-65 фоиз бўлишини таъминлаш бўлажак пилла хосилига ва сифатли бўлишига замин тайёрлайди.

Пилла териш. Қуртларнинг асосий қисми дастага кўтарилиганда, даста кўтариш усулини қўллаб, уларни мўътадил харорат, нисбий намлик режими таъминланган бошқа хонага ёки бўш сўкчакларга олиб қўйилади. Сўкчакда қолган қуртларга қўшимча даста қўйилса, қўшалоқ пиллалар сони камаяди ва пилла сифати яхшиланади. Ўсишда орқада қолган қуртлар эса алоҳида сўкчакка кўчирилиб бокища давом этилади. Ипак қуртининг пилла ўраши 3 сутка давом этади, бундан кейинги кунларда у пилла ичида ғумбакка айланади.

Пилла теришда ипак қуртлари дастага оммавий равишда пилла ўрагандан 7 кун ўтгач, пиллаларни теришга киришилади. Пиллалардаги қуртлар ғумбакка айланганига ишонч хосил қилиш учун сўкчакнинг турли жойларидан пилла олиб кесиб кўрилади. Текшириб кўрилган пиллалар ичидаги қуртлар ғумбакка айланган бўлса пилла теришга киришилади.

Пилла теришда аввал дасталарда нобуд бўлган қуртлар олиб ташланади, сўнгра қорапачоқ ва оқпачоқ пиллалар териб олинади. Шундан кейин қолган пиллалар терилади. Пиллалар териб олингандан сўнг, улар лосдан тозаланади. Лосдан тозалаш вақтида навдор, яъни бенуқсон пиллалар алоҳида сават ёки бошқа идишларга ажратилади ва саккизинчи куни қабул пунктларига олиб борилади. Шундай қилинганда пилла ичидаги қурт тўлиқ ғумбакка айланган бўлади. Бу ишлар пала-партиш қилинса, 7 кун ўрнига 5-6 кун ичида териб тозаланиб қабул пунктларига топширилса, қуртлар ғумбакка тўлиқ айланмаган бўлади. Бунинг натижасида пиллалар пиширилганда пилла ичидаги қурт ситилиб кетиб, сифатсиз хом ашёга айланади. Шунинг учун пилла ўз вақтида терилса сифатли хом ашё олинади.

Пилла етиштиришнинг технологик ва агротехника қоидалари беками-кўст бажарилса, хато ва камчиликарга йўл қўйилмаса республикамиизда тайёрланган пилла хом ашёси дунё бозори талабларига жавоб берадиган даражага кўтарилади.

Андижон вилоятидаги ипакчилик мажмуаларида қурт уруғларини жонлантириш, ипак қуртларини парваришлаш ва пилла етиштириш

Ипак қурти уруғларини жонлантириш. Ипак қурти уруғларининг ривожланиши ва уларнинг ялпи жонланиши, асосан хонанинг ҳаво хароратига ва намлигига боғлиқ. Шунга кўра уруғларнинг жонланиши учун зарур бўлган мақбул (оптимал) режим билан таъминлаб берувчи инкубаториялар ташкил этилади. Бундай инкубаториялар пиллачилик фермер хўжаликларида уруғларни жонлантиришдан 2 хафта олдин ишлатишга тайёр қилиб қўйилади.

Инкубатория учун ажратилган бино қуруқ ва иссиқ ҳамда уч хонадан иборат бўлиши керак. Хонанинг биттасида уруғ жонлантирилади, иккинчисида уруғдан чикқан қуртлар жойлаштирилади, ҳамда тарқатилиди, учинчисида инкубистлар дам олади.

50 қути ипак қурти уруғларига мўлжалланган инкубатория қуидаги жихоз ва ускуналар билан таъминланган бўлиши керак: иситиш манбаи;

- ипак қурти уруғлари учун 3 қаватли этажерка – 1дона; ипак қуртларини вақтинча асраш учун 3 қаватли этажерка – 2дона; уруғлар учун противен – 50дона (21x26см); ипак қуртлари учун противен – 100дона (21x26см); ипак қуртларини тортиш учун электрон тарози – 1дона; соат – 1дона; барг қирқиши учун пичоқ ва тахта – 1; ҳаво намлигини ошириш учун каноп материал – 5м; тўр съёмник – 5м² (21x26см); қофоз съёмник – 100дона (21x26см); психрометр – 2дона; термометр – 2дона; халат ва рўмол – 2дона; стол – 1дона; курси (табуретка) – 2дона; сочиқ – 1дона; супурги – 1дона; челяк – 1дона; совун – 1дона.

Ипак қурти уруғларини жонлантириш технологияси қуидагича бажарилади:

Уруғлар бир қават қилиб противенни атрофи бўйича ён чеккасидан 5-10мм бўш жой қолдирилиб, унинг ўртасига жойлаштирилади, улар номерланади, тарозида тортилади ва журналга ёзиб қўйилади. Противенлар инкубаторияни уруғ жонлантириш хонасига ўрнатилган 3 қаватли этажеркага жойлаштирилади.

Инкубатория хонасида уруғларни жонлантириш даврида зарур бўлган ҳаво режими 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал. Ипак қурти уруғларини жонлантиришда қўлланиладиган ҳаво режими

Ҳаво режими	Уруғни инкубаторияга қўйган кундан бошлаб, то “хабарчи” ипак қуртлари чиқа бошлагунга қадар	Уруғлардан “хабарчи” қуртлар чиқа бошлагандан кейин
Харорат	24°C	25°C
Намлик	75-80%	75-80%
Ҳаво алмаштириш	Ҳар 3-4 соатда 15-20 минутга	Ҳар 3-4 соатда 15-20 минутга

Бунинг учун битта лаборант бу режимни доим кузатиб боради ва ҳар 3-4 соатда журналга ёзиб боради. Кўрсатилган хароратни ва намликни таъминлаш учун хонани форточекалари ва эшикларини ҳар 2-3 соатда 15-20 минут давомида очиб, хонани ҳавоси алмаштириб турилади. Уни намлигини ўзгартириш учун форточка ва эшикларга хўлланган каноп мато (чойшаб) осиб қўйилади, эшик остонасига эса ёйиб қўйилади ҳамда хонани полига сув сепиб турилади.

Сўкчакларга жойлаштирилган ипак қурти уруғларини бир хил хароратда ушлаб туриш учун биринчи ва учинчи қаватдаги, ҳамда биринчи ва иккинчи қаватдаги уруғларни жойлари бир-бирлари билан алмаштириб турилади.

Противенларда жойлашган уруғлардан ипак қуртларини чиқиши ўрта хисобда 3 кун давом этиди. Уруғлар оқариб улардан хабарчи куртлар (разведчиклар) чиқа бошлиши билан лаборантлар уруғларни устига доимий съемникларни жойлаштиради. Кейин противен ичидаги уруғлар съемниги билан бирга тортилади ва оғирлиги аниқланиб журналга ёзиб қўйилади. Противенни устига иккинчи

қоғоздан ясалған съёмник ўрнатылади ва уни юзига тут барғи суркалади. Бир ярим ва икки соат ўтгач, яъни кундузги соат 10-11 ларда противенлардан иккінчи съёмниклар құртлари билан күтариб олинади ва противен уруғлари билан қайтадан тортилади. Шу йўл билан жонланиб чиқкан қуртларни оғирлиги аникланади.

Пиллакорларга ипак қуртларини тарқатышдан олдин инкубист ҳар бир звенодан қурт бокувчилар рўйхатини ва боқиладиган қурт оғирлигини талаб қилиб олиши керак.

Режага асосан ҳар қайси звенога бир кунда чиқкан қуртлар берилади, яъни ҳар бир қути (29г) уруғ хисобидан 19г дан ипак қуртлари берилади.

Ипак қуртларини боқиши. Бу технология қуртни инкубаториядан олиб уни боқищдан то пилла ўрашгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр 25-28 кун давом этади.

Қуртларнинг ривожланиши ва пилла сифати қуртхонани хароратига, намлигига ва ҳавони интенсив алмашшигига боғлиқ. Қуртлар оддий усулда боқилганда, унинг ёшига қараб қуртхонада ҳаво харорати ва намлиги 2-жадвалда курсатилган чегарада бўлиши керак. Шунга кўра қурт боқиладиган хона қуруқ, ёруғ ва шамоллатиб туриш учун қулай бўлиши зарур. Қуртхона асосан 4 та хонадан иборат бўлади:

- хонани биттасида кичик ёшдаги (I-III) қуртлар боқилади;
- иккинчисида катта ёшдаги (IV-V) қуртлар боқилади;
- учинчисида тут барғи тайёрланади ва сақланади;
- тўртинчисида қурт бокувчилар овқатланади ва дам олади.

Қуртхона (бир қути уруғ хисобидан) қуийдаги асбоб-ускуна ва материаллар билан жихозланган ҳамда 3-жадвалда келтирилган юзадаги қурт боқиши майдонига эга бўлиши керак:

- 1) ҳавони иситиш учун ускуна;
- 2) ҳавони алмаштириш учун девор вентилятори;
- 3) қурт боқиши учун 60m^2 дан 5 қаватли этажерка (3-жадвалга асосан);
- 4) қурт боқиладиган хонани учта нуқтасига жойлаштирилган термометр ва психрометр;
- 5) хона намлигини кўтариш учун 2м каноп мато;
- 6) этажеркаларни устига ёзиш учун ўров қоғози (оберточная бумага) 2м;
- 7) боғ қайчи – 1 дона;
- 8) қуртларни кичик ёшида боқиши учун барг қирқишига бир донадан тахтacha ва пичноқ ёки 15 қути учун 1 дона барг кесадиган ускуна;
- 9) қуртларни катта ёшига барг тайёрлаш учун катта пичноқ 2 дона;
- 10) болта 1 дона;
- 11) пиллаларни лосидан тозаловчи ускуна 20 қутига 1 дона;
- 12) супурги 1 дона;
- 13) сочиқ – 1 дона;
- 14) халат ҳар бир пиллакорга;
- 15) чепак 1 дона;
- 16) совун 1 дона.

2-жадвал. Ипак қуртларининг ёшига қараб белгиланган ҳаво ҳарорати ва намлиги

Куртнинг еши	Ҳарорат, °C	Намлик, %
I	25-26	65-75
II	25-26	65-75
III	24-25	65-75
IV	23-24	60-70
V	23-24	60-70
Пилла ўраш вақти	24-25	60-70

3-жадвал. Ипак қуртлари боқиши учун белгиланган қурт боқиши майдонлари

Куртнинг еши	Қурт боқиши майдони, м ²
I	2
II	6
III	12
IV	25
V	50
Пилла ўраш вақти	60

Ипак қуртларини боқищдаги бажарилиши шарт бўлган қоидалар.

Қуртхонага ипак қуртларини олиб киришдан 3-4 кун олдин хоналар тозаланиб, ювилиб бўлгандан сўнг дезинфекция қилиниши талаб этилади. Дезинфекция қилишда Формалиннинг 4 фоизли сувли эритмаси қўлланилади. Бунда деворлар, шифтлар, сўкчаклар ва инвентарни бутун юзасига пуркаш йўли билан ўтказилади. 4 фоизли эритмани тайёрлаш учун 1 л сотувдаги 40 фоизли формалинга 9 л сув қўшилади. Тайёр бўлган 4 фоизли формалин эритмаси ишчи эритма деб аталади. Дезинфекцияни ўтказиш олдидан хона 30°C даражагача иситилади. 3-4 кв.метр юзанинг дезинфекциясига 1 л формалин эритмаси сарфланади. Дезинфекция қилингандан сўнг хона эшиклари ва деразалари 24 соат давомида ёпиб қўйилади, барча тирқишлир қофоз билан беркитилади. Дезинфекция қилингандан сўнг 3-4 кун ўтгандан кейин хоналарнинг эшик ва деразалари очилиб, формалинни хиди кетгунча яхшилаб шамоллатилади. Дезинфекцияни қурт боқищдан 7 кун олдин қилиш тавсия этилади. Дезинфекция қилингандан хоналарга бегоналарни кириши қатъян ман этилади.

Қуртнинг ривожланиши, барг ейиши ва бошқа жараёнлари юқорида айтилгандек асосан ҳаво ҳароратига, намлигига ва қуртхонани ҳавосини жадал алмаштириб турилишига боғлиқ. Шунга кўра қурт боқувчилар ҳавони режимини ҳар 2-3 соатда текшириб, журналга ёзиб туриши лозим, ҳамда хонани форточкаларини, дарчаларини (тунелларини) ва эшикларини ўртacha 20-25 минутга очиб хонани яхшилаб шамоллатиш керак. Шу билан бирга ҳавони намлигини кўтариш учун хонани форточкаларига хўлланган чойшаб осиб, эшик остоналарига эса чойшаб ёйиб қўйиш керак, ҳамда хонани полларига сув сепиб туриш керак.

Ипак қуртларига барг солиш тартиби. Қуртларга барг I ва II ёшида тўғраб, III ёшида бутунлигича майда новдалар билан, IV ёшида қисқа новдалар билан ва V ёшида йирик новдалар билан берилади. Бир кути уруғдан чиқкан қуртларни боқиши учун уларнинг ёшига қараб 4-жадвалда келтирилган микдорда новдасиз барг берилади.

4-жадвал. Ипак қуртларининг ёшларига қараб бериладиган озуқа миқдори

Т/р	Ипак қуртларининг Ёшлари	Ипак қуртларига бериладиган озуқа миқдори, кг.
1	I	6,0
2	II	18,0
3	III	62,0
4	IV	169,0
5	V	750,0
		Жаъми: 1000,0

Катта ешдаги қуртларни бөқишда новдаларни навбатма-навбат бир гал этажерка қаватининг узунасига, иккинчи галда – кўндалангига қилиб солиш керак. Навдаларни солишда уларни учини ҳам шундай навбатлаштириш керакки, бир томонга унинг гоҳ қирқилган томони, гоҳ навда учи тўғри келсин. Қуртларга тез-тез, оз-оздан барг бериб бориш керак. Бунда ғана кам бўлади, баргдан тўлиқ фойдаланилади. Бир суткада I ва II ёшида 10 марта, III ёшида 8 марта, IV ёшида 6 марта ва V ёшида 5 марта барг бериш талаб этилади. Уларга биринчи барг эрталаб соат 5-6 ларда, охирги барг эса кечқурун соат 23-24да берилади.

Ухлаш олдидан қуртларнинг харакати камаяди. Лекин ҳамма қуртлар баробар ухламайди. Қуртларни олди биринчи уйқуга кирганда ҳам қолганларининг ҳаммаси тўлиқ ухлагунча оз-оздан барг бериб турилади. Қуртнинг биринчи, иккинчи, учинчи уйқуси бир сутка давом этади, тўртинчи уйқуси эса 1,5 сутка.

Этажеркаларда ғана йиғилиши билан уни ўз вақтида чиқариб туриш керак, ғана куртнинг II, III ва IV ёшларида ҳар галги пўст ташлашидан кейин иккинчи кун, V ёшда эса камида икки марта ва курт пилла ўрашига кириши олдидан у охириги марта алмаштирилади.

Ёш қуртларни ғанадан ажратиб олиш учун унинг устига янги барг ва майда новдалар солинади. Қуртлар новдаларга илашгандан кейин, новда билан бирга янги жойга кўчирилади. IV ва V ёшдаги қуртларга барг солгандан кейин ғанасининг устки қисмига ёғоч кўйилади ва кўтариб туриб пастки қисми тортиб олинади.

Ипак қуртлари V ёшнинг еттинчи ва саккизинчи куни барг ейишдан қолади ва ғана устига ўрмалаб чиқиб пилла ўраш учун қулай жой қидиради. Қуртнинг пилла ўраши учун зарур бўлган дасталар сершоҳ, майда баргли ўт ўсимликларидан, ҳамда картон қофози ва полиэтилендан тайёрланган маҳсус дасталар ишлатилади. Ҳар қути уруғдан чиққан қурт учун 250-300 дона даста керак бўлади.

Қуртлар пилла ўрашга бир вақтда дастага кирмайди, шунинг учун дасталар этажерка қаватининг аввал уч томонига қўйилади, тўртинчи, олди томони эса, орқада қолган қуртларга барг солиш учун очик қолдирилади. Дастага чиқмаган қуртларга бир-икки кун оз-оздан барг бериб турилади.

Қуртхонани ҳаво температурасига қараб пилла ўраш уч-беш кун давом этади, шундан кейин пилла ичидаги қуртлар ғумбакка айланади, еттинчи-саккизинчи куни эса ғумбакнинг устки пўсти қотади. Шу вақтдан бошлаб пиллани йиғиб териб олиш мумкин бўлади. Пиллани териб олиш олдидан ўлик ва пилла ўрамаган қуртлар олиб ташланади. Пиллани териш вақтида у лосидан тозаланади, ёки териб олингандан сўнг маҳсус ускунада тозаланади.

Териб олинган пиллалар сараланиб уч гурухга бўлинади:

- нормал пиллалар;
- брак пиллалар;
- қорапачоқ пиллалар.

Пилла териш вақтида ва уни тайёрлов пунктига жунатгунча қизиб кетмаслиги учун у қуруқ, салқин бино ичида чойшаб устига 10см қалинликта ёйиб сақланади. Терилган пиллалар дастлабки ишлов бериш корхоналариға махсус яшик ва саватларда олиб борилади.

Андижон вилояти туман пиллахоналарида пилла тайёрлаш ва унга дастлабки ишлов бериш

Тайёрлов пунктларида пиллакорлардан тирик пиллаларни қабул қилиш, пиллаларга дастлабки ишлов бериш базаларини эрта тайёрлаш ва қуйидаги тавсияларга қатый амал қилған холда иш жараёнларини ўтказиш билан сифатли хом ашё тайёрлашга замин яратган бўламиз.

1. Тайёрлов пунктларини ташкил қилиш ва тайёрлаш

1.1. Пиллакорлардан тирик пиллаларни қабул қилиш пиллаларга дастлабки ишлов бериш (ПДИБ) базаларида, айрим холларда эса улардан ташқарида, вақтинча ташкил қилинган тайёрлов пунктларида олиб борилади.

1.2. Тайёрлов пунктларида пилла қабул қилувчилар сони, тайёрлов миқдорига караб, битта қабул қилувчига 25-30 т тирик пилла хисобидан белгиланади.

1.3. Нормал ишлаш ва пиллалар сифатини сақлаш учун тайёрлов пунктлари қуйидагилар билан таъминланган бўлиши керак:

- текширилган ва тамғаланган 100 кг гача юк кўтара оладиган торози, 2 кг гача юк кўтара оладиган паллали ёки электрон торози;

- 30-35 дона яшик кроватлар;

- пилла намуналарини солиш учун керак бўладиган узунлиги 25-27 см ва кенглиги 18-20 см бўлган дока қопчалар;

- пиллаларни саралаш столлари;

- юк матоси (тарная ткань).

1.4. Пиллалар келиши бошланишидан беш кун олдин тайёрлов пунктларида, лабораторияларда ва дастлабки ишлов бериш базаларида ҳамма ишлар тутатилиб қабул қилишга тайёр бўлиши керак.

2. Тайёрлов пунктларида тирик пиллаларни қабул қилиш, сақлаш ва уларни пиллага дастлабки ишлов бериш базалариға юбориш

2.1. Тайёрлов пунктларида тирик пиллаларни пилла топширувчилардан кундузги вақтда қабул қилинади. Пиллаларни кечки вақтда қабул қилиш қатъянман этилади.

2.2. Пиллакорлардан навли пиллалар аралашмаси, навсиз ва қорапачоқ пиллалар алоҳида қабул қилинади.

2.3. Пиллакор пилласини тайёрлов пунктига топширадиган куни кўрсатилган маълумотномага эга бўлиши керак. Бундай маълумотнома бўлмаса, пиллалар қабул қилинмайди.

2.4. Пиллакор пиллани қаттиқ идишларда олиб келиши шарт.

2.5. Навли пиллалар аралашмаси тўпи таркибида 5% дан ортиқ хом пиллалар бўлса, бу пиллалар қабул қилишга ярамайди.

2.6. Ўз функциясини бажариш учун тайёрлов пунктлари қуйидагиларга эга бўлиши керак: кутиш хонаси (майдончаси, айвони), торозихона, пилла сақлаш айвони, синов лабораторияси ва қаттиқ идишлар комплекти:

- кутиш хонасининг умумий майдони бир суткада келиб тушадиган тирик пиллалар учун 5 т бўлса - 130 м², 10 т - 200 м², 15 т – 300 м², 20 т - 400 м², 25 т – 500 м² бўлиши керак;

- топширилаётган пилла тўплари массасини аниқлаш учун торозихона 1000 кг гача юк кўтара оладиган торози, столлар, яшиклар, контейнерларга эга бўлиши керак. Торозихонанинг умумий майдони бир суткада келиб тушадиган тирик пиллалар учун 5 т бўлса – 70 м², 10 т – 120 м², 15 т – 150 м², 20 т – 200 м², 25 т – 250 м² га тенг бўлиши керак.

2.7. Пилла топширувчилардан қабул қилинган тирик пиллалар тайёрлов пунктида қўпи билан 1 сутка сақланади ва ўша куннинг ўзида ёки келгуси кун эрталаб кечиктирмасдан пиллага дастлабки ишлов бериш базаларига юборилади.

2.8. Тирик пиллалар тайёрлов пунктларидан пиллага дастлабки ишлов бериш базаларига қаттиқ идишларда, зот, дурагай ва сифат категориялари (навлар аралашмаси, навсиз ва қорапачоқ пиллалар) бўйича алоҳида-алоҳида жўнатилади.

3. Лабораторияни ташкил қилиш

3.1. Лаборатория тайёрланган тирик пиллаларни стандартлар бўйича сифатини аниқлаш учун хизмат қиласди. Лаборатория учун алоҳида ёруғ ва қуруқ хоналар ажратилади.

3.2. Лаборатория қуйидагиларга эга бўлиши керак:

- қора сатин билан қопланган стол ва стуллар;
- 100 мг гача аниқликда тортадиган электрон торози (ҳар бир лаборант хисобига битта торози);
- юпқа пўлатдан ясалган чизғичлар;
- пилла намуналарини сақлаш учун илгич ва этажеркалар;
- кондицион аппарат ёки экспресс влагомерлар;
- сараланган пиллаларнинг ҳар бир навини, навсиз, қорапачоқ пиллаларни бир суткада алоҳида сақлаш учун яшиклар;
- ҳар бир лаборантга биттадан халат;
- ёзув қуроллари;
- тирик ва ҳаво намлигидаги қуруқ пиллаларга стандартлар ва эталонлар.

4. Пиллаларга дастлабки ишлов бериш

4.1. Пиллага дастлабки ишлов бериш базаси қуйидагиларни бажаради:

- тирик пиллаларнинг сифатини аниқлаш ва қабул қилиш;
- тирик пиллаларни ғумбагини ўлдириш ва куритиш;
- топширишга тайёрлаш ва ҳаво намлигидаги қуруқ пиллаларни ишлаб чиқаришга топшириш.

4.2. Пиллага дастлабки ишлов бериш базаси қуйидагиларга эга бўлиши керак:

- тайёрлов пунктида пиллаларни ташиб учун яшиклар, контейнерлар;

- тайёрлов пунктидан келиб тушган тирик пиллаларни ғумбагини ўлдириш ва қуритишгача сақлаш учун айвон, 1 т тирик пиллаларга 34 м^2 айвон майдони хисобидан;

- тайёрланган пиллаларни ўз вақтида ва тўлалигича қайта ишлишни таъминловчи пилла қуритгичлар.

4.3. Тайёрлов ишлари бошланишига 10-15 кун қолганда, юқори ташкилотлар томонидан базанинг пиллани қабул қилишга тўла тайёрлиги назоратдан ўтказилади.

Бунда қуйидаги вазиятлар текширилади:

- пиллақуритгич;
- сояли пиллақуритгич сўрилари;
- пиллаларни ташиб учун мўлжалланган идишлар;
- пилла қабул қилиш учун айвонлар;
- электр тармоғи;
- ёқилғи таъминоти.

4.4. Базанинг тайёрлиги текширилаётганда пилла-қуритгич ишга туширилади ва пилласиз бўш холда синовдан ўтказилади. Пилла ғумбагини ўлдириш ва қуритишдан олдин навли ва навсиз пиллалар аралашмасидан қорапачоқ пиллалар ажратиб олинади.

4.5. Дастребки ишлов бериш базасига келиб тушган тирик пиллалар ўша куннинг ўзида ўлдирилади ва қуритилади, чунки тирик пиллаларнинг қуритгунга қадар сақлаш муддати узайган сари, уларнинг сифати ёмонлашади ва хом ипак чиқиши камаяди.

4.6. Пиллаларнинг ҳаво намлиги 10-12% га келгандан кейин қопларга жойланади ва маҳсус тўшамаларда сақланади.

5. Пиллақуритгичларда тирик пиллалар ғумбагини ўлдириш ва қуритиш

5.1. Бироз қуритиш билан ғумбакни ўлдириш ва чала қуритиш СК-150К конвейерли пиллақуритгичида қуйидаги тартибда олиб борилади:

Қуритиш камерасига киришдаги иссиқ

ҳаво харорати, C^0 88-90

Иссиқ ҳаво намлиги, % 18-22

Ишлов бериш муддати, мин:

- бироз қуритиш билан ғумбакни ўлдириш 60-90

- чала қуритиш 120-150

Пиллалар қатламиининг қалинлиги, мм 130-150

Қуритиш камерасида пиллаларнинг харакатланиш тезлиги, м/мин:

- бироз қуритиш билан ғумбакни ўлдириш 0,38-0,86

- чала қуритиш (режимида) 0,16-0,19

Иссиқ ҳаво тезлиги, м/с 0,5-1,3

Пиллаларнинг намлиги, %:

қуригунча 170-190

ғумбакни ўлдириб бироз қуритгандан кейин 120-140

ярим қуритилгандан кейин 70-90

хизмат қилувчи одамлар сони 8

6. Сояли пиллақуригич

6.1. Ғумбаги ўлдирилган ва чала қуритилган пиллаларни ҳавода (табий шароитда) қуритиш учун каркас типидаги айвон кўринишидаги, сояли пилла қуригич қўлланилади.

6.2. Ғумбаги ўлдирилган ва чала қуритилган пиллаларни сўриларга тўкиб қалинлиги 8-10 см бўлган қалинликда сўриларга ёйлади. Бу пиллаларни соядга қуритиш жараёнида моғорлаш ва чиришни олдини олиш учун ва бир хил қуриши учун дастлабки 10 қун ичидаги ҳар суткада камидаги 1-2 маротаба ағдарилиб турилади, кейинги кунларда эса ҳар икки уч кунда бир маробата ағдариб туриш керак.

6.3. Ҳар хил кунларда ғумбаги ўлдирилган ва чала қуритилган пиллаларни бир бирининг устига тўкиш ман қилинади.

6.4. Пиллаларни ағдариш пайтида уларни орасида учраган қора доғли, тешик ва қўшалоқ пиллалар олиб ташланади.

6.5. Пилланинг намлиги 10-12% га етганда, унинг хаддан ташқари қуриб кетмаслиги учун қопларга жойланади.

7. Пилла зааркунандаларига қарши қураш тадбирлари

7.1. Тайёрлов пункти ва пиллаларга дастлабки ишлов бериш базаси худудлари доимо тоза холда бўлиши шарт.

7.2. Пиллаларни қабул қилишдан олдин бинолар, айвонлар таги ва пиллақуригичлар гексохлоран билан дезинфекция қилинади.

7.3. Барча пилла сақланадиган жойлар, шу жумладан сояли пиллақуригичлар вақти-вақти билан хафтада камидаги 1-2 маротаба кемиравчилар ва терихўрларни чиқишини олдини олиш учун текшириб турилади.

7.4. Пиллаларда терихўр аниқланса, барча заарланган пиллалар дарҳол сўрилардан олиб ташланади, сўнгра 60-85°C хароратда 50-60 минут мобайнида пиллақуригичда иссиқ ҳавода заарсизлантирилади.

Терихўр аниқланган жойлар гексохлоран билан дезинфекция қилинади.

Андижон вилоятидаги Наслчилик станциясида элита уруғларини кўпайтиришнинг самарасини ошириш омиллари

I. Наслли пиллалар етиштириладиган фермер, дехқон ва бошқа тоифадаги хўжаликларда инкубаторий ва қуртхоналарни

2016 йил мавсумига тайёрлашга оид

Баҳор мавсуми бошланиб, тут дарахтларида барглар ўсиб чиқа бошлагач тухумларни инкубацияси, яъни қуртларни жонлантириш ва боқиш ишлари, бошланади. Пилла етиштириш технологиясида ушбу жараён ўта муҳим ва маъсулиятли ҳисобланади. Тухумлардан соғлом ва тўлиқ қуртларни чиқариб олиш кўзланган пилла ҳосилдорлигига эришишнинг асосидир. Бунда инкубаторийларни тайёрлашга ва дезинфекциядан чиқаришга алоҳида аҳамият бериш керак бўлади.

Тайёргарлик жараёни куйидагилардан иборат:

1. Ипак қурти тухумларини жонлантириш, қуртларни боқиш технологиясига мос келадиган бинолар танлаш. Инкубаторий биноси фермер, дехқон хўжалиги ва курт боқувчиларнинг уйларига яқин, уч хонадан иборат, сув ва электр тармоғи билан таъминланган бўлиши шарт.

2. Танлаб олинган бинолар кўздан кечирилиб, таъмирлаш ишлари режаланади. Зарурат бўлганда эшиклар, деразалар, хона деворлари жорий таъмирланади. Инкубаторийда тегишли ($24\text{-}25^{\circ}\text{C}$) ҳароратни таъминлаш учун иссиқлик ускуналари билан таъминланади ёки янгидан ўрнатилади.

3. Инкубаторий ва қурт боқиладиган хоналар деворлари, ҳовли, кириш йўлаклари тозаланади ва дарҳол сўндирилган оҳак эритмаси билан оқлаб чиқилади. Сўндирилган оҳак касалликларни келтириб чиқарарувчи микроорганизмларни зарарсизлантириш хусусиятига эга эканлигини унутманг.

4. Инкубаторий ва қурт боқиладиган хоналарга сўкчаклар ёки темир этажеркалар ўрнатилади, инкубация учун зарур асбоб-ускуналар, тарози, психрометр, тўр қоғозлар, тухум тўкиладиган қоғоз қутилар, баргни майдаловчи аппарат, ток қайчи, ёзув иш столлари, стуллар, челяклар, қўл ювгич, сочик, халат, умуман инкубация жараёни учун зарур ашёлар олиб кирилади.

5. Инкубаторий ва қурт боқиладиган хоналардаги ҳарорат $29\text{-}30^{\circ}\text{C}$ га қўтарилиб дезинфекция ишлари бажарилади. Бунда деворлар, эшик, деразалар, сўкчакларга дезинфектант эритмаси пуркалади.

6. Дезинфекция формалиннинг 4% ли эритмаси билан қилинади. Одатда сотувдаги формалиннинг концентрацияси 40% ли бўлади. 4% ли ишчи эритма қуйидагича тайёрланади. Водопровод, булоқ ёки артезиан сувининг 9 литри 25-30 даражагача иситилади. Сўнгра 9л сувга 1л 40% ли формалин қўшилиб, обдон аралаштирилади.

7. Инкубаторийлар тухумларни инкубацияга қўйишдан камида 5-7 кун аввал дезинфекциядан чиқарилади. Дезинфектант сепилгандан сўнг бинолар ичida ҳароратни $27\text{-}28^{\circ}\text{C}$ даражада камида 3 кун давомида хоналар берк ҳолда ушлаб турилади. Шундан сўнг инкубаторий хоналарини эшик ва деразалари очилиб 2-3 кун давомида шамоллатилади.

8. Алоҳида қайд этиладики, фақат инкубаторий ва қурт боқиладиган бинолар ичини эмас, балки ҳовли, йўлакларни ҳам дезинфекциядан ўтказилади.

Ҳурматли фермерлар, дехқонлар, қурт боқувчи отахон, онахон, опа-сингиллар!

Унутмангки, ипак қуртлари ўндан кўпроқ юқумли касалликлар билан заарланади. Дезинфекция касалликни келтириб чиқарарувчи микроорганизмларга қирон келтиради.

Дезинфекция қилинмаган инкубаторий ва қуртхоналарда қуртлар касалланиши сабабли пилла ҳосилдорлиги кескин камаяди ва сифати пасаяди оқибатда олинадиган даромад ҳам кам бўлади.

II. Тут ипак қурти наслчилик станциясида амалга ошириладиган технологик ишлар календар режасига оид Январ ойида

1. Наслчилик ишининг оиласлар питомниги, суперэлита, элита босқичлари мутахассислари ва цех раҳбарларини “Тут ипак қурти наслчилик ишининг асосий услубий қоидалари”ни ўрганиш мақсадида ўқувини ташкил қилиш.

2. Оиласлар питомниги учун тухум қўймалари ва суперэлита тухумларини таҳлилдан ўтказиш, танлаш ва инкубацияга тайёрлаш ишларини бажариш.

3. Формалин дезинфектантини зарур микдорда келтириб қўйиш. Совун эмульсияси суртилган изоляция халтачаларини етарли микдорда тикиш ва тайёрлаш, инкубатория учун қоғоз қутиларни тайёрлаш ишларини поёнига етказиш.

Феврал ойида

1. Наслчилик станцияси агрономлари, инкубистлари ва наслли пилла етиштирувчи фермер, дехқон хўжаликларининг пиллачилик агротехникаларини ва курт боқувчиларни ўқитиш.

2. Наслли пиллалар етиштирувчи фермер, дехқон ва бошқа тоифадаги хўжаликларда инкубаторий ва кичик ёшлардаги куртлар боқиладиган биноларни танлаш, дезинфектантларни тайёрлаб қўйиш.

3. Наслли тухумлар тайёрлашда ишлатиладиган торозилар, ўлчов асбоблари, турли ашёларни кўрикдан ўтказиш, таъмирлаш ва тахт ҳолга келтириш.

Март ойида

1. Инкубаторий ва курт боқиладиган биноларни таъмирлаш, иситиш ускуналарини созлаш, сўкчакларни ўрнатиш.

2. Наслли пилла етиштирувчи хўжаликларда янги тутзорларни барпо қилиш, мавжудларини ўғитлаш, тупроқни юмшатиш ва суғориш ишларини бошлаш.

Апрель ойида

1. Наслчилик станцияларининг барча цехлари, бинолари ва худуди шунингдек, наслчилик хўжаликлари инкубаторийлари ва қуртхоналарини формалиннинг сувдаги 4% ли эритмаси билан ялпи дезинфекциялаш.

2. Наслчилик станцияси ҳамда наслли пилла етиштирувчи хўжаликларда тухумларни агротехника қоидаларига (ҳарорат 24°C, ҳаво нисбий намлиги 70-75%) риоя қилган ҳолда инкубациясига оид тадбирларни оғишмай бажариш.

3. Дастабоп ўтларни ўриб келтириш, куритиш ва дасталаш.

4. Жонланиб чиқсан куртларни дарҳол қурт боқувчиларга етказиб бериш ва кичик ёшдаги қуртлар парваришини бошлаш.

5. Касалликларнинг олдини олиш мақсадида инкубация ниҳоясида қолган тухум пўстлоқлари ва бошқа компонентларни пебринага қарши микроскопик таҳлилдан ўтказиш.

6. Тутзорлар ва якка қатор тутлар парваришини бошлаш.

Май ойида

1. Тутзорларни 2-3 марта қондириб суғориш, қатор орасини бегона ўтлардан тозалаш.

2. Наслли куртларни 4 ва 5 ёшлар давомида ва даста қўйиш ҳамда пилла ўраш даврида мутахассислар назорати остида парваришлишни ташкил этиш.

3. Пиллаларни териш ва наслчилик станцияларига топшириш. Станцияда суперэлита ва элита тухумлари тайёрлашга мўлжалланган наслли пилла партияларидан олинган намуналарни тўғри тахлил қилиш, қабул қилинган пилла партияларини суперэлита ва элита цехларига пешма-пеш ўтказиш.

4. Наслчилик станциясининг оилалар питомниги суперэлита ва элита цехларида наслли пиллаларни танлаш, капалакларни чатиштириш ва тухум қўймаларини тайёрлаш, умуман, папильонажга оид ишлар жараёнларини Ўзбекистон ипакчилик илмий тадқиқот институти мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасдиқлаган “Тут

ипак қурти наслчилик ишининг асосий услугбий қоидалари” асосида амалга ошириш. Ушбу раҳбарий ҳужжат барча наслчилик станцияларига етказиб берилган.

Июнь ойида

1. Папильонаж ишлари давом этдирилади.
2. Оилалар питомнигида наслли тухум қўймалари, суперэлита ва элита тухумлари тайёрлаш ишлари тугаллангач, наслчилик станцияси барча инкубаторийлари, қуртхоналари, лаборатория, суперэлита ва элита цехи бинолари, станция худудини чиқиндилардан тозалаш, асбоб-ускуналар, сўкчакларни ювиш каби ишларни бажариш ва якунловчи дезинфекция ўтказиш.

Июл ва август ойларида

1. Тухумларни эстивациясини тўғри ташкил этиш, тухум қўймалари сақланаётган бинода тегишли ҳарорат ва ҳаво нисбий намлигини таъминлаш.
2. Тегишли тартибда наслчилик станцияси цехлари ва тухумларни сақлаш биноларига бегоналарни киритмаслик, навбатчиликни ташкил қилиш.

Сентябр ва октябр ойларида

1. Тухумларни эстивациясига оид ишларни давом этдириш.
2. Барча категориядаги тухум қўймаларини саралаш. Капалаклари касалланган, чириган, тухум микдори кам, тухумлари пигментланмаган, яъни оталанмаган ва бошқа нуқсонлар мавжуд бўлган тухум қўймаларини ажратиш ва ёқиб юбориш.
3. Тухум қўймадаги капалакларни нозематозга, яъни пебринага қарши микроскопик текширувдан ўтказиш.

Ноябрь ва декабрь ойларида

1. Капалакларни микроскопик текширишдан ўтказиш, касаллик аниқланган тухум қўймаларини далолатнома тузиб ёқиб юбориш ишларини давом этдириш.
2. Микроскопик текширишдан ўтган, касалликлардан ҳоли тухумларни партияларга ажратилган ҳолда 1,5% ли ош тузи эритмасида ювиш.
3. 1 декабрдан бошлаб тухум партияларининг қишлоғ (зимовка) жараёнини бошлаш. Совутгичларда ҳароратни $+2 - +4^{\circ}\text{C}$ даражада бўлишини таъминлаш.
4. Тухум намуналарини давлат назоратидан ўтказиш учун топшириш.

Эслатма: 1) Наслчилик станцияларида оилалар питомниги, дастлабки кўпайтириш, суперэлита ва элита тухумларини тайёрлашга оид барча технологик жараёнлар “Тут ипак қурти наслчилик ишининг асосий услугбий қоидалари” талаблари асосида бажарилиши шарт.

2) Кейинги йилларда ипак қуртларини пебрина ва бошқа касалликлар билан заарланиши туфайли пилла ҳосилдорлиги камайиши ва сифатини пасайиши кузатилмоқда. Бундай ҳолатга барҳам бериш учун инкубаторий, қурт боқиши, пилла ўратиш, капалаклар билан ишлаш жараёнларида пебринага қарши муттасил микроскопик текширувларни ўтказиш тавсия этилади.

Наслчилик ишининг олиб бориша қатъий риоя

қилиниши шарт бўлган талаблар

1. Тут ипак қурти зотлари билан 2 йиллик схемада иш олиб борилганда:
 - оригиналордан олинган тухум қўймалари оила тарзида боқиб, кейинги йил оилалар питомниги ва суперэлита тухумларини тайёрлаш;
 - суперэлита тухумларини боқиб, элита тухумларини тайёрлаш.
2. Тут ипак қурти зотлари билан уч йиллик схемада иш олиб борилганда:

- оригиналдан олинган тухум қўймалари оила тарзида боқиб, кейинги йил оиласлар питомниги ва дастлабки кўпайтириш (ДК) тухумларини тайёрлаш;



- дастлабки кўпайтириш тухумларини боқиб, суперэлита тухумларини тайёрлаш;

- суперэлита тухум партияларидан элита тухумларини тайёрлаш ва ургучилик корхоналарига топшириш.

Оиласлар питомнигига қўйиладиган талаблар

Оиласлар питомнигига қуртлар оргигинатордан олинган дастлабки селекцион тухум қўймаларини боқишдан бошланади. Кейинги йилларда эса оиласлар питомниги учун тухум қўймалари наслчилик станцияларини ўзида тайёрланади. Оила тарзида боқилган қуртларнинг оила рақами, уларнинг ота ва оналик формаларини рақамлари аниқ бўлиши шарт. Пиллалар индивидуал торозиларда тортилиб, тахлил натижасига асосан ведомост тузилади ва ҳар бир оиладаги танлаб олинган энг юқори маҳсулдорликка эга урғочи

1-расм. Оиласлар бўйича индивидуал торозида



**тортилиб, рақамланган ва
жинси бўйича
ажратилган наслли
пиллалар**

пиллалар бошқа оиладаги рақами бошқа-бошқа эркак пиллалар билан чатиштиришга жуфт танланади (1,2,3-расм). Наслли пиллалар жуфтланган урғочи ва эркак пиллаларни вазни бир-биридан 0,1-0,15 г га фарқ қилиши мумкин. Папилонаж даврида урғочи

капалакларни дастлабки 24 соатда ичида қўйилган тухумлари

**2-расм. Наслли пиллаларни торозида
якка-якка тортиш**

**3-расм. Танлаб олинган наслли оиласлар
капалакларини жуфтлаш**

олинади. Тайёрланган тухум қўймалари тахлил қилингандан сўнг физиологик брак аниқланади – узунчоқ пиллали зотлар учун физиологик брак 3%, юмалоқ зотлар учун 4%дан ошмаслиги зарур.

Оилалар питомниги учун олинадиган оилалар сони пилла ўрашга етиб борадиган оилалар сонидан 1,5-2 баробар кўп бўлиши керак. Ҳар бир зотдан пилла ўраш учун етиб борадиган оилалар сони 100 тадан кам бўлмаслиги шарт (4-расм).



4-расм. Оилалар питомнигида насл учун боқилаётган қуртлар



5-расм. Ривожланишдан орқада қолган ва нотекис ўсган қуртлар

Цехда зотларни оилалари бир хил гигротермик ва озуқа шароитида боқилиши шарт. 2 ёки 3-ёшнинг биринчи куни ҳар бир оиладан 400 тадан қурт санаб олинади ва қурт боқишнинг охиригача олиб борилади. Қуртларни боқишида физиологик ва патологик холатлар, ривожланишнинг нотекислиги, ўсишдан орқада қолиш, касалликларга чалиниш, қуртлик даврини узайиб кетиши каби белгилар назоратда бўлиши ва шу талабларга жавоб бермаган оилалар қурт боқишидан чиқариб юборилиши зарур (5,6,7-расм).



6-расм. Сариқ (ядро полиэдрози) билан касалланган қуртлар



7-расм. Ўлат касаллиги билан касалланган қуртлар



**8-расм. Оилалар питомнигида
куртларга даста қўйиш**



**9-расм. Папильонажга қўйилган капалаклар
(энг маҳсулдор оилалар бирлаштирилган)**



**10-расм. Дастребки кўпайтириш цехида
папильонаж жараёни**

Насл учун дастага дастлабки 2 кун ичидаги кўтарилилган пиллалар олиниши кейинги авлодда сермаҳсул, кучли генотипларни танлаш имконини беради (8-расм).

Куртлар ҳаётчанлиги 90% дан кам бўлган оилалари насл учун олинмайди.

Дастлабки кўпайтириш жараёнида насл учун 40% дан кўп бўлмаган оилалар танлаб олинади. Бу цехда бир хил оилалар гурухларга бирлаштирилиб энг яхши оилалар танлаб олинниб улар ўртасида папильонаж олиб борилади (9,10-расм).

Суперэлита тухумларини тайёрлашга қўйиладиган талаблар

Оилалар питомниги ёки дастлабки кўпайтиришда биологик кўрсаткичлари ва хўжалик қиймати белгилари бўйича энг юқори кўрсаткичларга эга оилалар танлаб олинади. **P – танлаш интенсивлиги 40-50%** дан ошмаслиги керак (мисол учун агар 100 та оила мавжуд бўлса, шулардан 40-50 тасини насл учун олинади). Танлаб олинган пиллалар шакли муайян зотга мос келиши, пилла ранги турли товланувчан, сарғиш ранглардан ҳоли тоза оқ бўлиши (11-расм), пилла донадорлиги майдо бўлиши ва энг асосийси, турли нуқсонлардан ҳоли бўлиши керак

**11-расм. Юқори қаторда сарғиш рангда товланувчан пиллалар,
пастки қаторда турли ранглардан ҳоли оппоқ пиллалар**



(атлассимон силлиқ юзали – 12-расм, турли чандиқлари бор – 13-расм, доғли – 14-расм, буйраксимон – 15-расм, ўткир қутбли – 16-расм). Танлашга киришишдан аввал ҳар бир партия учун 25 дона эркак, 25 дона урғочи пиллалар танламасдан олиниб пилла вазни ва

ипакчанлик кўрсаткичлари аниқланади.

Ушбу белгилар бўйича юқори кўрсаткичларга эга гурухлар насл учун танлаб олинади. Касалланган пиллалр 5% дан юқори ва пилла вазни, катта кичикилиги жуда ҳар хил бўлган пиллалар насл учун олинмайди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Тут ипак қуртининг наслли пиллаларини танлаш жараёнида нуқсонли пиллаларни муттасил равишда бартараф этиш, тайёрланаётган элита тухумларини сифатли, ҳар хил нуқсонлардан ҳоли бўлишини гаровидир. Қуйида тут ипак қуртида кўпроқ учраши мумкин бўлган пилланинг нуқсонлари кўрсатиб ўтилган.



Силлик юзали пиллалар

12расм. Атлассимон силлик юзали пиллалар



Чандықли пиллалар



Доғли пиллалар

13-расм. Турли чандықларга эга пиллалар

14-расм. Доғли пиллалар



Буйраксимон пиллалар

15-расм. Буйраксимон пиллалар



Үткир қутбели пиллалар

16-расм. Үткир қутбели пиллалар

Элита тухумларини тайёрлаш жараёнига қўйиладиган талаблар

Ҳар бир зот бўйича суперэлита тухумларидан чиқсан куртлар иштирокида элита тухумлари тайёрланади. Бунда суперэлита тухумларининг жонланиши 92 %дан кам бўлмаслиги лозим. Тухумларни инкубацияяга 25% лик резерв билан қўйиш керак, бу ўз навбатида жонланиш бўйича 10%, куртлар ҳаётчанлиги бўйича эса 15% паст кўрсаткичли қуртларни чиқариб ташлаш имконини беради. Элита қуртлар боқиши даврида касалланиши назорат қилиш мақсадида 3-ёшдан бошлаб бир қути учун 30-40 донадан қуртлар микроскопик таҳлил қилиб борилади (намунага қуртлар сўкчакнинг ҳар еридан олиниши керак). Пебрина аниқланган қуртлар карантин тоифасига киритилиб, пиллалари саноат пилласи сифатида пиллахоналарга топширилади.

Наслли пиллалар етиштирилгандан сўнг ҳар бир наслчилик хўжалигидан келтирилган наслли пиллалар рақамланади. Пилла партияларидан 200 тадан пилла намуналари олиниб, маҳсулдорлиги ва наслдорлиги аниқланади, пилла партиялари учун пебринага чалинганлиги ҳақида микроскопик таҳлил ўтказилади. Соғлом ва маҳсулдор пиллалар элита цехига ўтказилиб ялпи танлаш йўли билан элита тухумлари тайёрланади. Танланган пиллалардан чиқсан юксак кўрсаткичларга эга эркак капалаклардан 2-3 марта чатиштириш учун рухсат берилади.

Микроскопик текширув

Капалаклар тухум қўйгандан кейин 30-40 кун ўтгач, тухум қўймалари дастлабки саралашдан ўтказилади. Қуйидаги нуқсонлар аниқланган тухум қўймалари чиқитга чиқарилади:

- қисман жонланиб чиқсан қуртлар мавжуд бўлган;
- куриб қолган тухумлар улуши 10% дан кўп;
- оталанмаган тухумлар 5 % дан кўп;
- тухумлар сони меъёрга нисбатан кам;
- капалаклари чириб, парчаланиб кетган.

Микроскопик текширувда ҳар бир препаратни энг камида 10 жойидан кўриш шарт. Капалакларни қорин қисми кўрилгач, бош ва кўкрак қисми ҳам олиб қолинади ва алоҳида пакетга солиб қўйилади. Пебрина споралари ва сариқ

касаллиги полиэдрлари аниқланган тухум қўймалари капалаги билан бирга ўша куниёқ ёқиб юборилади.

Шуни унутмаслик керакки, уруғчилик корхоналарида яратиладиган саноат дурагайларининг сифатли, юқори маҳсулдор бўлиши, сўзсиз наслчилик станцияларида етиштириладиган элита тухумларининг сифатига боғлиқ. Агар наслчилик станцияларининг оиласлар питомниги, дастлабки қўпайтириш, суперэлита ва элита тухумлари тайёрлаш жараёнларида юқорида баён этилган технологияга қатъий риоя қилинсагина, элита тухумлари барча талабларга жавоб берадиган даражада бўлиши мумкин.

Андижон вилоятидаги уруғчилик корхоналарида саноатбоп тут ипак қурти тухумларини тайёрлаш бўйича

Ипак қурти тухумчилик корхоналарида сифатли дурагай уруғ тайёрлаш учун қўйидаги қоидаларга риоя қилинган холда иш юритиш талаб қилинади:

1. Пиллаларни қабул қилиб олиш ва сифатига баҳо бериш

Заводга келтирилган пиллалар сифатини ва зотли пиллалар миқдорини аниқлаш учун лаборатория томонидан 1000грамм оғирликда намуна олинади.

Бу олинган намуна сараланиб икки гурухга ажратилади:

- а/ зотли пиллалар;
- б/ саноат хомашёсига тааллуқли пиллалар.

Қўйидаги талабларга жавоб бераоладиган пиллалар қурт тухуми олиш учун яроқли бўлиб хисобланади:

- а/ пилланинг ўртача оғирлиги 1,4граммдан кам бўлмаган;
- б/ ғумбаги тирик бўлмаган пиллалар миқдори 5 фоиздан ошмаган;
- в/ ҳамма зотлардаги пилланинг ялпи ҳосилдорлиги ҳар 1грамм қурт ҳисобига камида 2,5грамм бўлган;
- г/ пилланинг партияси таркибида ками билан 40 фоиз зотли пиллалар бўлган;
- д/ пебрина касалидан холис бўлган.

Пебрина касаллигидан холислигини текшириш мақсадида ҳар бир партиядан намуна учун 100 дона пилла олинади ва касаллика текшириб курилади.

Пебрина касаллигига чалинган пиллалар партияси бракка чиқарилиб, хомашё сифатида саноатга жўнатилади.

2. Наслли пиллаларни саралаш

Курт тухуми олиш учун яроқли деб топилган пиллаларнинг партиялари ургузонда сўнгги бор сараловдан ўтказилади.



1-расм

Пиллалар партияларини бир-бирига қўшишдан олдин тухум олиш учун ажратиб олинган пиллалар омбордаги маҳсус инвентарда (кроватларда) қўпи билан 2-3 пилла қалинлигига ёйилиб сақланади (2-расм).

3. Пиллаларни жинсига қараб ажратиш ва партияларни бир-бирига қўшиш

Дурагай тухумларни тайёрлаш пиллаларни оғирлигига қараб АДК автомати ёрдамида жинсларга ажратишга асосланган (3-расм). Бунда пиллаларни жинсларга ажратувчи автоматни самарали ишлатиш учун ҳар бир

Зотли пиллаларни танлаб олишда уларнинг юқорида келтирилган белгиларига қараб эталонга амал қилган холда сараланади ва лаборатория белгилаган микдорда танлаб олинади (ками билан 40%) ёки ускуна ердамида пиллалар калибри буйича уч гурухга ажратиб ўрта калибрларни ажратиб олинади (1-расм).



2-расм

пилла партиясидан 100 дона намуна олиниб пиллани ўртача оғирлиги аниқланади, автомат тарозиларини кичкина тоши пиллани ўртача оғирлигига созланади ва уни тилчалари ўрта холатга, яъни 0:0 белгига жойлаштирилади.

Пиллаларни автоматдан ўтказиб кўриб, эркак ва урғочи пиллалар гурухида минимал (8-10 фоиз) хатоликни аниқлаш йўли билан тилчаларнинг мақбул (оптимал) ҳолати топилади.

Партиядаги урғочи ва эркак



пиллаларнинг ўзаро нисбий миқдори

3-расм

(35:35%) бир-бирига тенг бўлиши ёки 5-10 фоизга фарқ қилиши мумкин.

Пиллалар жинсига қараб ажратилганидан сўнг хамда ғумбаклари ва эркак капалаклар микроанализ қилиб кўрилгандан кейингина кичик партиядаги пиллаларни бир-бирига қўшиб каттароқ партиялар хосил этиш мумкин.


4. Папильонаж

Зотли пиллалар капалак очиб чиққунига қадар маҳсус инвентарларда: папильонаж катакларида, кроватчаларда ва этажеркаларда сақланади (2-расм).

Пиллалардан капалак чиққандан сунг, уларни узаро чатишни камайтириш мақсадида АДК автомати ажрата олмаган қарама қарши жинсли капалаклар териб олинади.

Шунинг учун эрта тонгдан навбатчилик ташкил этилади. Навбатчилар урғочи пиллалар гурухидан ва жинси аниқланмаган пиллалар гурухидан биринчи навбатда эркак капалакларни ва чатишган капалакларни териб олади. Эркак капалаклар гурухи-дан эса ҳали чатишшига улгурмаган ва капалаклар жуфтига қўшилган урғочи капалаклар териб олинади. Териб олиш 30 минут мобайнинда тугалланиши лозим.

Чатишган капалаклар рамка ва бошқа асбобларга шундай жойлаштирилиши лозимки, капалакларнинг ҳар жуфти бир-биридан бироз ажралиб турадиган бўлсин (4-расм).



4-расм

Териб олишда нуқсони бўлган капалаклар қатъиятлик билан чиқитга чиқарилади - қанотлари яхши ривожланмаган, қора доғлари бўлган, майиб, қанотсиз ва нимжон капалаклар нуқсонли капалаклар қаторига киритилади.

Капалаклар камида икки соат давомида чатиштирилиши лозим. Эркак капалаклардан иккинчи марта фойдаланилганда эса чатиштириш камида уч соат давом этиши керак.

Чатиштирилган капалаклар бир-биридан ажратилгандан сўнг ҳар бир халтачага кўпи билан 5 ёки 10 тадан урғочи капалак солиниб, изоляция қилинади (5-расм).

Капалаклар солинадиган изоляцион халтачалари саватларда ёки сўриларда бурчак шаклида тахланиб сақланади.

5-расм

Папильонаж бошланганидан то 1 сентябрга қадар папильонаж хоналарининг ва тухум сақланадиган хоналарнинг ҳарорати $+24 \pm 2^{\circ}\text{C}$, ҳавонинг намлиқ даражаси - 60-75 фоиз бўлиши керак.

Сентябрь ойида тухум сақланадиган хоналар хамда тухум билан ишланадиган бошқа биноларнинг ҳарорати $25-20^{\circ}\text{C}$ атрофида бўлиб, ойнинг охиригача аста-секин пасая бориши лозим ва октябр ойида $22-17^{\circ}\text{C}$, ноябрь ойида $17-12^{\circ}\text{C}$, ҳавонинг намлиқ миқдори 60-70 фоиз бўлиши зарур.

5. Тухумларни саралаш

Изоляция халтачаларига жойлаштирилган капалаклар қўйган барча қурт тухумларининг тўлақонлилиги уларни саралаш йўли билан текшириб қўрилади.

Капалаклар изоляция халтачаларига жойлаштирилгандан кейин камидা 15 кун ўтгач, қўйилган тухумларни саралашга киришмоқ лозим.

Саралаш пайтида қуйидаги нуқсонлари бўлган барча қурт тухумлари ажратилиди ва йўқ қилинади:

- а/ тўла ва қисман жонлана бошлаган тухумлар;
- б/ капалаги бўлмаган ёки капалаги куқунга айланган;
- в/ оталанмаган ва қуриб қолган тухумлар.


6. Микроанализ

Олинган ҳамма қурт тухумларини капалаги ёппасига микроанализ қилиниши керак.

Ҳар бир препаратда қўпи билан 10 та капалакни жамлаб микроанализ қилинади.

Касалликка чалингандан чалинмаганлигини микроанализ қилмоқ учун капалаклар бутунлигича ховончада яхшилаб туйиб эзилади. Кейин майдаланганин массага 10cm^3 сув қўшилиб, ҳосил бўлган бўтқа обдон қориштирилади.

Ховончалардаги бўтқа воронка оғзига ҳўллаб қўйилган сурп орқали ўтказилиб, фильтранади ва бошқа ховонча ёки пробиркага қўйилиб, микроанализ қилиш учун топширилади (6-расм).



6-расм

Суюқлик бир вақтнинг ўзида ҳам микроскопист, ҳам контролер томонидан микроанализ қилинади.


Ҳар қайсиси ўз препаратини 600-900 баравар катталаштириб кўрсатадиган микроскоп орқали камидা 10-назар доирасида кўздан кечиради.

Касаллик аломатлари борлиги аниқланса, улар бракка чиқарилиб, ёқиб ташланади. Касалликлардан ҳоли деб топилган суюқлик центрифуга қилиш учун контролерга узатилиади.

Контролёр-центрифугист 6-9 та ховонча-пробиркадаги суюқликни битта центрифуга пробиркаларига қояди-да, ҳар қайси ховонча-пробирка тагида оз-оздан суюқлик қолдиради.

У бир-бирига күшиб юборилган суюқликни 5-6 минут мобайнида айлантиргандан сүнг центрифуга пробиркасига суюқликни қуиб, тагида қолган күйкүмни 600-900 баробар катталаштириб күрсатадиган микроскоп ёрдамида 10-назар доирасида күздан кечиради.

Агар касаллик алмати пайқаб қолса, микроскопист ва контролер ховонча-пробирка тагида қолдирилган суюқликни қайтадан микроанализ қилиб, касаллик мавжудлигига аник ишонч хосил қилгач, касалланган препаратни ёқиб ташлайдилар.



ва қуруқ тухумлардан батамом ҳоли бўлмагунга қадар сув ва 15 фоизли туз эритмасида яхшилаб аппаратда ювилади (8-расм) ва бу операция сентябрда бошланиб, 15 октябрдан кечиктирмасдан тугалланади.

7-расм

Тухумлар кроватчаларда чойшаб устига юпқа қилиб ёйилган холатда ёки ускунада (9-расм) куритилади.

Ювилиб, куритилган тухумларни таркибида сақланиб қолган, қорайган, қуруқ ва оталанмаган тухумлар миқдори 0,5 фоиздан ошмаслиги керак.

Тухумлар ювилгач ва тозалангач, ҳар бир рамкага 1кг дан. солиб, қалинлигини бир сантиметрдан оширмасдан ёйган холда очиқ усулда то тортилиб, қадоқлангунига қадар сақланади.

7. Қурт тухумларига ишлов бериш

Пебрина касаллигидан холи деб топилган қурт тухуми халтачалардан бўшатиб олинади, ёпишиб қолганлари эса, фақат қуруқ усулда, яъни бармоқ учida ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ажратиб олинади ва хаво таъсирида ускуна оркали сараланади (7-расм).

Қурт тухумлари бегона аралашмалардан, оталанмаган



Тухумларнинг қишлоў даври баҳорги курт боқиши мавсуми учун 100 кундан

кам ва 140 кундан ортиқ бўлмаслиги керак.



8-расм

Қишлоў даврида тухумлар сақланадиган камералар харорати $+2^{\circ}\text{C}$ дан паст ва $+4^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлмаслиги, намлик даражаси эса 60-70 фоиз бўлиши керак. Курт тухумларининг қишлоў даври 1 декабрдан бошланади.

Курт тухумларининг партиялари реализация қилинишидан 10-20 кун олдин совутгич хонадан харорати $+15 - +16^{\circ}\text{C}$, салбий намлик даражаси 70 - 75 фоиз бўлган хонага олиб ўтилади.

Курт тухумларини қиш бўйи нобуд бўлиб қолган тухумлардан тозалаш мақсадида улар махсус ускуна ёр-дамида сараланади (7-расм).

9-расм

Тухумларни харорати $+15 - +16^{\circ}\text{C}$ бўлган хонада сақлаб туриш муддати 2-5 кундан ошмаслиги керак.

Шу муддат ичидаги тухумлар тозалангач, уларни 29 граммдан қилиб тортиб қадоқланади-да, махсус кассеталарга жойлаб яна харорати $+2 - +4^{\circ}\text{C}$ ва нисбий намлиги 70 - 75 фоиз бўлган совутгичларга жойлаштирилиб, бу ерда то реализация қилингунга қадар сақланади.

Андижон вилоятидаги мавжуд тутзорлар ҳамда қаторлаб экилган тут дараҳтларига эрта баҳорда агротехник ишлов бериш

Фермер хўжаликларида сифатли ва юқори пилла ҳосили етиштириш учун мавжуд тут дараҳтларига агротехник ишлов бериш, тут ипак қуртини парваришлаш бўйича агротехника қоидаларига қатъий амал қилган холда қуйидаги тавсиялардан фойдаланиш мақсаддага мувофиқ деб хисоблаймиз.

Республикада ипак қуртидан юқори ва сифатли пилла ҳосили етиштириш унинг озуқа базаси бўлган тут плантациялари ва якка тартибда қаторлаб экилган тут дараҳтларидан олинадиган сифатли барг ҳосилига боғлиқдир. Мавжуд тут плантациялари ва тут дараҳтлари етарли бўлган, уларга ўз вақтида агротехника қоидаларига амал қилган ва тутларни парвариш қилаётган фермер хўжаликлари йилдан-йилга пилладан сифатли ва мўл ҳосил олмоқдалар.

Кейинги йилларда пилладан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун якка тартибда қаторлаб экилган тут дараҳтларига, мавжуд баланд танали ва бута шаклида экилган тутзорларга ўз вактида сифатли ишлов беришни амалга оширишни тавсия этилади.

Бунинг учун баҳор бошланиши билан тут дараҳтларининг тагига ва плантацияларига органик ўғит гўнг ва фосфор ўғити сепиб. Қатор оралари хайдалиши лозим, якка тартибда қаторлаб экилган тут дараҳтларини атрофи кетмон ёки белкуракда тавсия этилади. Баланд танали тутзорларнинг ҳар гектарига куз мавсумида 15-20 тонна гўнг хисобидан фосфор ва калий ўғитларини 50% миқдори аралаштирилиб, ўғит сепгичлар ёрдамида ерга солинади. Шундан сўнг 40см чуқурликда хайдалади. Майдон шўрланган бўлса, ер хайдашдан олдин ёки хайдалгандан сўнг ерни шўрини ювиш керак.

Бута шаклида экилган тут плантацияларининг қатор оралари қишлоқ хўжалик экинларидан бўшагандан сўнг, 25-35см чуқурликда хайдалади. Бу шаклда экилган тутзорлар шўрланган бўлса хайдаш олдидан ёки хайдашдан сўнг шўри ювилиши шарт, акс ҳолда тутларнинг ўсиб ривожланиши ва олинадиган барг ҳосилига салбий таъсир қиласи.

Шўрланган тутзорларга кузда яхоб суви бериш, биринчидан ерни шўрини кетказса иккинчидан қиши даврида қишлиш учун тупроқда ётган ҳар хил зараркунандаларни ғумбакларига ва ҳашоратларни личинкаларига қирғин келтиради.

Тут дараҳтларини ва тутзорларга экилган дараҳтларни яхши ўсиб ривожланиши учун керак бўлган намлик ва озуқа моддалар етарли бўлса тут дараҳтини новдаларидаги куртаклар бир текис ривожланиб, барги тез ўсади. Айниқса ўсуви новдаларда барг сони май ойининг ўрталарига бориб 10-12 тагача етади.

Бунинг учун март ойининг бошларида барча якка тартибда экилган тут дараҳтларини, тутзордаги дараҳтлар тагини 15-20см чуқурликда юмшатиш, қатор ораларига ишлов бериш керак. Шу билан бирга ҳамма жойлардаги тут дараҳтларига ва тутзорларга минерал ўғит бериб қондириб суғориш тавсия этилади.

Якка тартибда экилган тут дараҳтлари ва тут плантациялар март-апрел ойларида ўғитланади, айрим сабабларга кўра ўғит берилмаган бўлса, тезлик билан барча жойларда шу кеча-кундузда ўғитлаб қондириб суғоришни ташкил қилиш керак, акс ҳолда ўғитларнинг тасирчанлиги камаяди.

Тутзорларга ўғит бериш учун уларнинг тупроқ шароитига қараб. Ҳар бир гектар тутзорга 360-400кг аммиак селитраси ва 400-500кг суперфосфат ўғити билан озиқлантирилади.

Якка тартибда қаторлаб экилган тут дараҳтларига уларнинг ёшига қараб, хар бир туп тут дараҳтига :

10 ёшгача – 375г аммиак селитраси, 300 г суперфосфат;

10 ёшдан – 20 ёшгача – 750г аммиак селитраси, 625 гр суперфосфат;

20 ёшдан – 40 ёшгача – 1500г аммиак селитраси, 1250г, суперфосфат минерал ўғитлари билан озиқлантирилади.

Бериладиган ўғитларнинг ярми шу кеча-кундузда, яъни қурт боқиши мавсумидан олдин эрта баҳорда, қолган қисми эса барги қурт боқиши учун кесиб олингандан сўнг берилади. Ўғит солингдан тутзорлар ва қаторлаб экилган тут дараҳтлар тезлик билан суғорилиши тавсия этилади.

Тут дараҳтларини ва тутзорларни ўз вақтида минерал ўғит билан озиқлантириб, уни суғорилганда барг ҳосили 25-30% гача ошади. Энг мухими баргнинг таркибида ипак қурти учун зарур бўлган моддалар етарли бўлади. Шу билан бирга қуртлар соғлом ва бақувват ўсади, бу эса пилладан мўл ва сифатли ҳосил олишга замин яратади.

Янги тут плантацияларини ҳамда якка қатор тутларни экишни ташкил қилиш

Ўзбекистонда пилла етиширишни янада ривожлантириш, ипак куртининг озуқа базасини ташкил этувчи тутзорлар ва якка қатор тутларни сифатли, сермаҳсул дурагай ва навли тутлар билан кўпайтириш хозирги куннинг асосий вазифаси бўлиб қолади.

Республика вилоятларида тут ниҳоллари ва кўчатлари етиширадиган фермер хўжаликларида Ўзбекистон ипакчилик илмий тадқиқот институти олимлари томонидан яратилган ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этилган дурагай тутлар ва Давлат реестрига киритилиб республика вилоятларида кўпайтириш учун районлаштирилган сермаҳсул Пионер, Сурх-тут, Октябр, Ўзбекистон, Жарариқ-4, Жарариқ-5, Жарариқ-7, Тожикистон уруғизиз нави ва САНИИШ-34 навларини кўплаб етишириш ва улардан янги тутзорлар ва якка тартибда қаторлаб тут кўчатлари экиш каби амалга оширилиши зарур бўлган долзарб вазифаларни ечими пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашда катта рол ўйнайди.

Ипак куртининг озуқа тут дараҳтлари уларни ер майдонларида жойлашишига ҳамда баланд танали ва бута шаклида экилишига қараб асосан 2 турга бўлинади.

Биринчи турга қаторлаб экилган тут дараҳтлари кириб, улар йўл, ариқ ва зовур ёқаларига ва далаларни четларига экиласди. Бу хилдаги тутлар республикамиздаги ипак куртининг озуқа фондини 75 фоизини ташкил қиласди. Қаторлаб экилган тутларнинг афзалликлари шундаки, уларни ўстириш учун алоҳида ер майдони талаб қилинмайди. Бу усулда экилган тут дараҳтлари майдон ичидаги қишлоқ хўжалик экинларини совук уришдан, гармседан сақлайди, пахтазор иқлимини яхшилашга имкон яратади, тутларни бақувват илдизлари ариқ ва зовурлар ёнбағрини емирилишидан сақлайди. Бундай усулда экилган тут дараҳтларининг барг ҳосили мўл ва тўйимли бўлади. Бундан ташқари, қаторлаб экилган тутлар пахта майдонларининг атрофларида сув оқиб турадиган доимий ариқ ва каналлар бўйига экилганлиги учун сувга муҳтоҷлиги сезилмайди. Бу усулда экилган дараҳтларни камчилиги, тут кўчатлари экиласдиган жойларни тайёрлаш, кўчатларни экиш ва парвариш қилиш ишлари асосан қўл меҳнати орқали бажарилади, механизмдан тўлиқ фойдаланиб бўлмайди. Шунга қарамай қаторлаб экиласдиган тутлар хозирги кунда ҳам келажақда ҳам пиллачиликнинг озуқа фондини мустаҳкамлашда катта рол ўйнайди.

Бу усулда бўйи 1-2м гача келадиган баланд танали кўчатлар экиласди. Экиласдиган кўчатларни оралиғи 1-2м бўлади. Кўчат экиш учун чуқурлиги ва кенглиги 60см бўлган чуқур ковланади. Тайёр чуқурга кўчат экиласди. Экиш олдидан тайёрланган чуқурга сув куйиб экилса, кўчатларни кўкариш фоизи юқори бўлади. Тут кўчатлари кузда ва эрта баҳорда экиласди ва тут кўчатларидан 60-70см қочириб ариқ олинади сўнгра дарҳол суғорилади. Кўчатлар экиласдан сўнг биринчи йили 6-7 марта, ундан кейинги йилларда эса 4-5 марта суғориш тавсия этилади.

Иккинчи турга махсус тутзорлар кириб, улар алоҳида ажратилган майдонларда ташкил этилади. Булар ўз навбатида, баланд танали ва бута шаклидаги тутзорларга бўлинади. Бундай тутзорларда тутларни экишдан тортиб, парвариш қилиш, тут баргини тайёрлаш, ташиш ва бошқа ишлар механизация йўли билан амалга оширилиб, қўл меҳнати кам ишлатилади, шу билан бирга пул маблағи кам сарфланади.

Баланд танали тутзорларга экилган кўчатларнинг яхши кўкариши, тез хосилга кириши ва қўп йиллар мобайнида мўл барг хосили олиниши учун ер майдонини танлаш ва уни экишга тайёрлаш катта аҳамиятга эга.

Бунинг учун баланд танали тутзор ташкил қилишда кўчат экиладиган жой ботқоқланмаган, шўрланмаган, ер ости сувларини сатҳи 1м дан пастда бўлиши, шағали кам бўлган сув билан етарли таъминланган ерлар тутзорлар учун яроқли хисобланади. Баланд танали тутзорлар ҳам қаторлаб экиладиган тутзорлар каби серҳосил дурагай ва навли кўчатлардан ташкил қилинади.

Хозирги кунда ишлаб чиқаришда асосан баланд танали тутзорга кўчатлар 4x4 м шаклида экилади. Бундай усулда экилганда 1г ерга 625 дона кўчат экилади ва уларни қатор оралиғидан бир неча йил мобайнида қишлоқ хўжалик экинлари экиб фойдаланиш мумкин.

Баланд танали тутзорларга кўчатлар кузда ва эрта баҳорда экилади. Тутзорлар ташкил этишда бўйи 1-2м., шакли 3 шохли ва 2 ёшли кўчатлардан фойдаланилади.

Туманнинг тупроқ иклим шароитига қараб, экилган кўчатларни биринчи йили 6-9 марта, иккинчи ва кейинги йилларда эса 5-7 марта суғориш тавсия этилади.

Бута шаклида экилган тутзорлар тут дараҳтларидан барг етиштиришнинг тезкор усули ҳисобланиб, пиллачиликни озуқа базасини қисқа муддат ичидан барпо этишда мухим рол ўйнайди.

Бута тутзор ташкил қилиш учун хозирги вақтда дурагай ниҳоллардан ва бир ёшли навли кўчатлардан фойдаланилади. Тор қаторли ва кенг қаторли шаклларда ниҳол ва кўчатлар экилади. Хозирги вақтда кенг тарқалган шакллардан бири бўлган 4 x 0,5м да кўчатлар сони кўпроқ бўлади. Бундай усулда экилганда 1г ерга 5000 дона ниҳол ёки кўчат жойлашади. Тутзорнинг қатор ораларига 1 йиллик экинлар экиб фойдаланиш мумкин.

Бута тутзорга ниҳол ва кўчат экиб бўлгандан сўнг тезлик билан қондириб суғориш керак, бунда экилган ниҳол ва кўчатларни кўкариш фоизи юқори бўлади. Бута тутзорга ниҳоллар экилган йили 8-9 марта суғориш тавсия этилади.

Бута тутзорга экилган ниҳол ва кўчатларга ер юзасидан 0,5м баландликда кесиб 3-4 каллакли шакл берилади. Бунинг учун кузда экилган кўчатларнинг навлари эрта баҳорда тупроқ етилиши билан кўкламда экилган кўчатларнинг новдаси эса, биринчи сувдан сўнг 10см қолдириб боғ қайчи билан кесиб ташланади. Кесилган жойнинг атрофидан янги новдалар ўсиб чиқади. Бу новдаларнинг узунлиги 15-20см га етгач (май ойларида) бир-бирига қарама-қарши жойлашган тўғри ва бақувват ўсган 3-4 таси қолдирилиб, бошқалари тагидан кесиб ташланади. Бута тутзорга экилган кўчатларни учинчи йили қурт боқиши даврида 0,5м юқоридан новдалар кесиб олинади. Шунда 3-4 каллакли тутлар хосил бўлади.

Тут дараҳтлари ва тутзорлардан сифатли ва юқори барг хосили олиш учун улар март-апрел ойларида ўғитланиши зарур. Тут дараҳтлари ва тутзорларга ўғит берилгандан сўнг уларни қондириб суғоришни ташкил этиш керак, акс холда


ўғитларнинг таъсирчанлиги камаяди. Тутзорлар, уларнинг шароитига қараб, ҳар бир гектар ер майдони хисобида 360-400кг аммиак селитраси ва 400-500кг суперфосфат минерал ўғити билан озиқлантирилади. Якка тартибда қаторлаб экилган тут дараҳтларини ёшига қараб, ҳар бир туп дараҳт: 10 ёшгача – 375г аммиак селитраси, 300г суперфосфат; 10 ёшдан – 20 ёшгача – 750г аммиак селитраси, 625г суперфосфат; 20 ёшдан – 40 ёшгача – 1500г. аммиак селитраси, 1250г микдорида суперфосфат минерал ўғитлари билан озиқлантирилади. Бериладиган ўғитларнинг ярми шу кеча-қундуда қолган қисми эса барги қурт боқиши учун кесиб олингандан сўнг берилади. Ўғит солинган тутзорлар ва қаторлаб экилган тут дараҳтлари зудлик билан суғорилиши тавсия этилади.

Тут дараҳтларини ва тутзорларни ўз вақтида минерал ўғит билан озиқлантириб, суғорилганда барг ҳосили 25-30% гача ошади. Баргнинг таркибида ипак қурти учун зарур бўлган моддалар етарли бўлади, шу билан бирга қуртлар соғлом ва бақувват ўсади.

Юқоридаги айтилган агротехник қоидалар ва тутчиликда амалга ошириладиган тадбирий чоралар ўз вақтида бажарилганда. сифатли ва юқори барг ҳосили етиширилади, фермер хўжаликларида бу йил пилладан мўл ҳосил олишга замин тайёрланган бўлади.

Фермер хўжаликларида жадал усулда тутзорлар ташкил этиш ва парваришлаш агротехникаси


Жадал усулда янги бута тутзорлар ташкил этиш. Жадал усулда бута тутзор ташкил этишда Ўзбекистон ипакчилик илмий тадқиқот институтининг олимлари томонидан яратилган ва ишлаб чиқаришга тавсия этилган (Х. Убайхўжаев ва Б. Усмонов, 1989) алоҳида жадал усул $0,9 \times 0,9\text{м.}$ схемада ташкил этиладиган тутзор тавсия этилади. Бу усулда ташкил этиладиган тутзорни ҳар бир гектарига 12346 туп кўчат жойлаштирилади. Бундай тутзорларни ташкил этишда тутнинг дурагай ниҳолларидан ёки пайванд қилинган навли кўчатларидан фойдаланилади. Тутзорларга тут ниҳоллари баҳорда ёки кузда экилади. Жадал усулдаги тутзор ташкил этиш учун бошқа хилдаги кўчатлардан холи бўлган, сув билан таъминланган, яъни суғориладиган, текис, ер ости сувлари $1,5-2\text{м}$ пастда жойлашган ва кузда (октябр-ноябр ойларида) $30-35\text{см}$ чуқурликда (1-расм) хайдалган ер майдони ажратилади.




1 расм. Жадал усулдаги тутзор ташкил этиш учун суғориладиган, текис, ва кузда (октябр-ноябр ойларида) $30-35\text{ см}$ чуқурликда хайдалган ер майдони ажратилади.

Бу ишлар совуклар ва ёгингарчиликлар бошлангунга қадар бажарилади. Тошлиқ қатlam ер юзасига яқин жойлашган худудларда хайдаш чукурлиги 22-25см гача камайтирилади. Кузда ёки баҳорда ниҳолларни тутзорга экишдан олдин дала текисланади, 20-22см чукурликда чизелланади шу билан бир вақтда тегишли мослама (2-расм) ёрдамида бороналанади ва молаланади, шундан сұнг ниҳол ёки күчатлар экиладиган қаторлар белгиланиши (3-расм) лозим.

Шүрхок ерларни экишга тайёрлашда комплекс агротехника усулларидан фойдаланилади, бу ишлар ернинг шүрини ювиш вақтида ва ҳар хил табиий – географик минтақалар учун тавсия қилингандек бажарилади.




2 расм. Кузда ёки баҳорда ниҳолларни тутзорга экишдан олдин дала текисланади ва мазкур мослама ёрдамида бороналанади ва молаланади.




3 расм. Ер майдони текислананиб, бороналангандан ва молалангандан сўнг ниҳол ёки кўчатлар экиладиган қаторлар белгиланади.

Жадал усулда экилган бута тутзорларни ўстириш агротехникаси. Бута тутзорлар ташкил қилиш учун биринчи нав (сорт) ниҳоллар ёки стандартга етмаган дурагай кўчатлар экилади. Кўчатлар экиладиган қаторлар белгилангандан сўнг ниҳол ва кўчатлар кузда хазон-резидан кейин ёки эрта баҳорда экилади (4-расм). Ниҳоллар кузда экилганда, уларнинг илдиз бўғзи (5-расм) ер юзасидан 4-5 см, баҳорда экилганда эса ер юзасидан 2-3 см пастроқ бўлиб туриши керак.



4 расм. Қаторлар белгилангандан сўнг ниҳол ёки кўчатлар экилади.




а) кузда экилганда

б) баҳорда экилганда

5 расм. Ниҳоллар кузда экилганда (а), уларнинг илдиз бўғзи ер юзасидан 4-5 см, баҳорда экилганда (б) эса ер юзасидан 2-3 см паст бўлиб туриши керак.

Тутзорлар бир йиллик ниҳоллардан ташкил этилган ҳолда, ниҳоллар экилиб бўлганидан сўнг суғориш учун эгат очилади ва тезда суғорилади. Ниҳоллар кузда экилса ҳам қишики совуқдан сақлаш максадида уларни зудлик билан суғориш лозим. Баҳорда ниҳоллардан ташкил топган тутзорлар бир йил давомида эркин ўсиши ва ривожланиши учун қолдирилади. Иккинчи йили баҳорда кўчатлар қўкара бошлаганидан сўнг (икки маротаба суғорилганидан кейин) ер сатҳидан 10 см. баландликда боғ қайчиси ёрдамида кесилади. Экилган кўчатларни биринчи ва иккинчи йил ўсиш даврида тез-тез суғориш лозим. Суғориш ёзниг биринчи ярмида ҳар 10-15 кунда, иккинчи ярмида эса ҳар 15-20 кунда ўтказилиши керак. Эгатлар ҳар бир суғоришдан сўнг ер етилиши билан (КХУ-4) культиваторлар ёрдамида 10-15 см. чуқурликда (6-расм) юмшатилиши лозим.




6 расм. Эгатлар ҳар бир суғоришдан сўнг ер етилиши билан культиваторлар (КХУ-4) ёрдамида 10-15 см. чуқурликда юмшатилиши лозим.

Бута тутзорга экилган кўчатларнинг ҳар бир гектарига ўсиш даврида (соф ҳолда) 180 кг азотли, 90 кг фосфорли, 45 кг калийли ўғитлар солинади. Бу тадбир юқорида айтилган культиваторлар ёрдамида 10-15 см чуқурликда икки муддатда амалга оширилади: биринчи муддатда йиллик меъёрнинг 50 фоизи, биринчи суғоришдан сўнг кўчатлар қўкара бошлагандан, иккинчи муддатда йиллик меъёрнинг қолган қисми дастлабкисидан бир ой кейин берилади.

Янги ташкил этилган тутзорларда хосилга киргунча олиб бориладиган агротехник тадбирлар. Жадал усулда экилган бута тутзорларнинг иккинчи йили (бир йиллик кўчат даврида) ер сатҳидан 10 см юқоридан (7-расм) кесилгандан сўнг

ўсіб чиққан новдаларни август ойида 3-4 та асосийлари қолдирилиб, майда новдалари танага тақаб кесиб ташланади. Бу усулда экилган бута тутзорларни новдалари, экилганининг учинчи йилида, ипак қурти боқиши учун ер юзасидан 20 см. баландликда (7-расм) кесилади. Кесилаётган новдаларни мумкин қадар камрок заарлантириш, бунда фақатгина боғ қайчисидан фойдаланиш талаб этилади.



7 расм. Жадал усулда экилган бута тутзорларнинг иккинчи йили (бир йиллик күчат вақтида) ер сатхидан 10 см юқоридан кесилгандан сўнг ўсіб чиққан новдаларни август ойида 3-4 та асосий новдалари қолдирилиб, майда новдалари танага тақаб кесиб ташланади. Бу усулда экилган бута тутзорларни новдалари, экилганининг учинчи йилида, ипак қурти боқиши учун ер юзасидан 20 см. баландликда кесилади.

Жадал усулда экилган тутзорларнинг қатор ораларига ишлов беришда биринчи ва иккинчи йили гўза (пахта) қатор ораларида ишлатиладиган трактор ва культиваторлардан тўлиқ фойдаланиш мумкин. Новдалари ипак қуртини боқиши учун кесила бошлагандан сўнг тут қатор ораларини ишлаш, барг чиқаргунча уларни культивация қилиш даврида мўлжалланган ўғитнинг бир қисми билан озиқлантириш лозим. Иккинчи ишлов КХУ-4 маркали культиватор билан новдалари ипак қурти боқиши учун кесилгандан сўнг амалга оширилади. Бунда тут қатор оралари культивация қилиниб, кўчкатлар атрофи чопилади.

Бундай тутзорларга йил мобайнида (соф ҳолда) 180 кг азот, 90 кг фосфор ва 45 кг калий ўғити икки муддатда қатор ораларига солинади: биринчиси эрта баҳорда (март-апрелда), тут барглари чиқмасдан олди, иккинчиси новдалари ипак қурти

боқиши учун кесилгандан сўнг ёзда (июнда) солинади. Бундан ташқари тутзорларнинг гектарига ҳар икки йилда бир марта 10 тонна ҳисобидан органик ўғит-гўнг солинади. Бу тадбир кузда ёки баҳорда амалга оширилади.

Тутзорларни барги кесилгунча икки маротаба, барги ипак қурти боқиши учун кесилгандан сўнг эса холатини тиклаш мақсадида 6-7 маротаба суғориш талаб этилади. Вегетация даврининг охирида барги тушгандан сўнг қатор ораларида кузги хайдов ишлари ўтказилади.

Ихтисослашган фермер хўжаликларидағи мавжуд оналиқ-уруғлик плантацияларидан дурагай тут уруғи тайёрлаш

Ипакчиликнинг озуқа базасини йил сайин янги тут дараҳтларини экиш ва тутзорлар ташкил этиб бориши билан мустаҳкамлаш талаб этилади. Бунинг учун эса биринчи навбатда сифатли дурагай тут ниҳоллари ва кўчатларини етказиш эҳтиёжини қоплайдиган даражада ихтисослашган тутчилик хўжаликларида сифатли тут уруғи тайёрлашни ташкил этиш талаб этилади.

Хозирги кунда ҳар бир вилоятда тўлиқ талабга жавоб берадиган оналиқ-уруғлик тутзор ташкил қилиш учун Ўзбекистон ипакчилик илмий тадқиқот институти олимлари томонидан 3 та сермаҳсул дурагай тутларнинг ота-она навлари яратилган. Бу сермаҳсул дурагай тутларни ота-оналиқ навларидан республиканинг тутчилик фермер хўжаликларида 2002-2005 йилларда уруғ етишириладиган тутзорлар барпо этилган. Булардан 2006 йилдан бошлаб тут уруғи тайёрлашга киришилди ва республика фермер хўжаликларида ипак қурти боқиладиган озуқа тутзорлар барпо этиш учун сермаҳсул ниҳоллар ва кўчатлар етиширилмоқда.

Фермер хўжаликларида тут уруғини тайёрлаш оналиқ тут дараҳтларида меваларнинг етилиб пишиши республикада қўп йиллик қузатишларга кўра май ойининг иккинчи ярмидан бошланади. Тут меваси жуда қисқа вақтда, яъни 10-15 кун ичидаги пишиб тамом бўлади. Пишган тут мевалари кучсиз шамол бўлганда ҳам ерга тўклилиб кетади. Тўклилган меваларни йиғиб олиш жуда қийин бўлганлиги сабабли унга қўп меҳнат сарф этилади, чунки тўклилган мевалар қўл кучи билан йиғишириб олинади. Шунинг учун пишган тут мевасини йиғиши ва уруғини ажратиб олиш учун керакли асбоб-ускуналарни тут мевасини пишгунга қадар тайёрлаб қўйиш тавсия этилади.

Тут мевасини тайёрлаб, ундан уруғини ажратиб оладиган жойларда катталиги 4-6 метр келадиган чодир, челак, мевасини ташиш учун яшик, ҳамда транспортлар тайёр бўлиши керак.

Тут уруғини тайёрлашда тут мевасини эзиб уруғини қуритиш учун битта ВСТ-1,5 маркали машина ёки узум эзгич (дробленка) ва кичкина пресс машина, эзилган меваларни солиши учун бўчка, кўзи 2-3мм ли ва 1,0-1,5мм сим тўр (элак), тут уруғи солиши ва сақлаш учун етарли миқдорда қалин матодан тикилган қоплар тайёрлаб қўйилади.

Тут уруғини тайёрлашни тўғри ташкил қилиш учун иккита мева тайёрлайдиган ва уруғ ажратиб оладиган бригада тузилади. Битта бригада тут мевасини териб тайёрлайди. Иккинчи бригада тут меваларини эзиб, ундан уруғни сув билан ювиш орқали ажратиб олади.

Республика шароитида тут мевасини йиғиш май ойининг ўрталаридан бошланиб, июннинг ўрталарида тутатилади. Уни йиғиш, ташиш ва уруғини ажратиб олиш вақтларида навлари бўйича алоҳида-алоҳида тайёрлаш тавсия этилади. Ҳар куни йиғиштирилган мевалардан ўша куннинг ўзида уруғи ажратиб олиниши керак. Бу ишни иккинчи кунга қолдириб бўлмайди. Агарда мевалар мўлжалдан ортиқ микдорда тайёрланган бўлса, нобуд бўлмаслиги учун уларни салқин жойда тўшама устида 3-5 см қалинликда ёйиб қўйиш ёки харорати +2⁰С даражадан юқори бўлмаган музлаткичларда сақлаш тавсия этилади. Сўнгра эртаси куни мевасидан ажратиб олиш керак бўлади. Мевалар бир суткадан ортиқ туриб қолмаслиги зарур. Ёзнинг иссиғида кейинги кунга қолдирилган меваларда ачиш жараёни бошланиб, таркибида спирт ҳосил бўла бошлайди. Бу эса тайёрланган уруғнинг униш қобилиятини пасайтиради.

Тут мевасининг уруғи машинада ёки қўл ёрдамида ажратиб олиниши мумкин. ЦКТПБ “Шелк” томонидан янгитдан ишланган ВСТ-1,5 маркали машина ёрдамида тут уруғларини ажратиб олиш мумкин.

Фермер хўжалигида бундай машина бўлмаган тақдирда, уруғ ажратиш учун узум эзгичдан фойдаланиш мумкин бўлади. Бу аппарат ҳам бўлмаса меваларнинг кўзлари 2-3мм келадиган элақда қўлда эзиб тут уруғлари ажратиб олинади. Айни вақтда сув ҳам қўйиб турилади. Уруғ ва турупни ўтказиб бўлгандан кейин сув куйилиб, элақда ювилади. Шундан сўнг бўчка чайқатилади ва бир неча дақиқадан сўнг, унинг ичидаги сувдан қалқиб чиқсан пуч уруғлар ва туруп секин аста тўкилади. Бўчканинг тагига чўккан уруғлар бир неча марта ювилади. Ювиб тозаланган уруғлар салқин жойдаги сўкчакларга таранг қилиб тортилган матолар устига 2-3см қалинликда ёйиб қуритилади. Сўкчаклар кун тушмайдиган ерга, яъни дарахтнинг тагига, бостирма ёки айвонга ўрнатилган бўлиши керак. Агар уруғлар қуёш нурида қуритилса, уларнинг кўкариб чиқиши қобилияти пасаяди. Соядаги сўкчакларга ёйилган уруғларни тезроқ қуритиш учун ҳар 3-4 соатда ағдариб туриалди. Уруғ қуриб бир-бирига ёпишмайдиган даражага етгач, бошқа сўкчакдаги чодирга 2-3см қалинликда ёйилади ва 5-6 кун давомида кунига 1-2 марта ағдариб турилади. Уруғнинг қуриганлигини билиш учун вақти-вақти билан маълум микдорда ундан намуна олиб тарозида тортиб турилади. Охирги тортилган уруғнинг вазни билан ундан олдинги уруғнинг вазни ўртасидаги фарқ кўпи билан 1-2% бўлганда қуритиш тўхтатилади. Ҳар бир гурух уруғ шу хилда қуритилгандан сўнг алоҳида қопларга жойланади. ГОСТ 1348-50 бўйича ҳар бир қопга 25-30кг дан уруғ солинади. Сўнгра уруғ солинган ҳар бир қопга 15056.1-67 ГОСТ бўйича фанер тахтачадан иккита ёрлиқ ясалиб, уларга тут дурагайнинг номи, уруғ партиясининг тартиб рақами, соф ва қопи билан биргаликдаги вазни, уруғнинг тайёрланган жойи ҳамда вақти ёзилади. Ёрлиқнинг биттаси уруғ солинган қопнинг бўғзига боғланади, иккинчиси қоп ичига солиб қўйилади. Қоп ичига солинадиган ёрлиқ қалин картон қоғоздан ясалса ҳам бўлади.

Уруғларнинг яхши сифатли бўлиши уларни тайёрлаш усулигагина эмас, балки сақлаш шароитига ва муддатига ҳам боғлиқдир. Нотўғри сақлаш туфайли уруғларни унувчанлиги ва кўкариши ёмонлашиб боради. Уруғлар сернам ёки жуда қуруқ бўлган биноларда сақланса, бундай уруғларнинг униш қобилияти пасаяди. Шунинг

учун уруғ сақланадиган бино шамоллатиб турилиши керак. Тайёрланган уруғлар вақти-вақти билан лабораторияда текширилиб турилади.

Ихтисослашган тутчилик хўжаликларида навли тутлардан қаламча етиштирадиган оналик тутзорларга ишлов бериш ва парваришлиш

Ипакчилик соҳасининг озуқа базасини мустахкамлаш борасида навли тутлардан яратилган тутзорларни аҳамияти катта бўлиб, хозирги вақтда мавжуд оналик тутзорлардан соғлом ва серҳосил пайвандланган навли тут кўчатлари етиштирилади.

Тутчиликка ихтисослашган хўжаликларда қаламча тайёрланадиган тутзорлардан кўплаб қаламча етиштириш учун март ойининг бошларида тутзордаги дaraohтларни тагини 15-20см чукурликда юмшатиш, қатор ораларига ишлов бериш керак. Шу билан бирга тутзорларга минерал ўғит бериб қондириб суғориш тавсия этилади.

Тутзорлар март-апрел ойларида ўғитланади. Агар айрим сабабларга кўра ўғит берилмаган бўлса, тезлик билан ўғитлаб қондириб суғоришни ташкил қилиш керак, акс ҳолда ерга солинган ўғитларни таъсиранлиги камаяди.

Навли тутлардан қаламча етиштириладиган оналик тутзорларга ўғит бериш учун уларни шароитига қараб, ҳар бир гектар тутзорга 360-400кг дан аммиак селитраси ва 400-500кг ҳисобидан суперфосфат ўғити билан озиқлантирилади.

Фермер хўжаликларида районлаштирилган тут навларидан қаторлаб экилган баланд танали тутлар экилган бўлса, бундай навли тут дaraohтларидан ҳам қаламча тайёрлаш учун фойдаланиш мумкин.

Катта ёшли тут дaraohтлари турли зааркунанда ва касалликлардан ҳоли бўлиши учун эрта баҳорда дaraohтларни каллагидаги қуриган шохлари тозаланиб турилади.

Тутзор ва баланд танали дaraohтлардан тайёрланадиган қаламчалар соғлом бўлиши, заарланмаслиги учун кузда тут баргини барвақт юлиб олишга асло йўл кўймаслик керак. Акс ҳолда новдани 30-35 фоизи заарланиб қаламча тайёрлаш учун яроқсиз холга келиб қолади.

Қаламча етиштириладиган тутзор ва тут дaraohтларини соғлом, бақувват қилиб ўстириш ва улардан кўп йиллар давомида қаламча тайёрлаш имконини яратиш учун уларни парваришида агротехник қоидаларига тўлиқ риоя қилинишини таъминлаш керак бўлади.

Ўрта Осиё ипакчилик илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан яратилган ва Давлат реестрига киритилган 9 та нав: Тожикистон уруғсиз нави, Пионер, Сурх-тут, Октябр, Ўзбекистон, Зимостойкий, Голодностеп-6, Манкент ва САНИИШ-33лар республикамизнинг вилоятларида хўжаликларида ишлаб чиқаришда кўпайтириш учун районлаштирилган. Булардан ташқари 25 дан ортиқ истиқболли навлар Давлат нав синовидан ўтмоқда.

Районлаштирилган навли тутлар ўзининг ҳосилдорлиги ва сифатли барги билан республикамизда фойдаланилаётган маҳаллий “Хасак” тути ва дурагай тутларга

нисбатан устун туради. Масалан: районлаштирилган навларнинг барг ҳосилдорлиги Хасак тутига нисбатан 1,6 баробар, дурагай тутларга нисбатан 1,3-1,5 баробар ортиқдир. Бир гектар бута тутзордан ($4,0 \times 0,5$ м шаклда экилган) 800-900 кг хом пилла олиш мумкин бўлади.

Бунинг учун фермер хўжаликларида навли тутлардан пайванд қилиб етиштирилган кўчатлардан ипак қуртининг боқиш учун озуқабоп тутзорлар ташкил қилинади.

Навли тут кўчатлари етиштириш учун республика фермер хўжаликларида районлаштирилган: Тожикистон уруғсиз нави, Октябр, Пионер, Сурх-тут, Зимостойкий, Ўзбекистон, Голодностеп-6, Манкент ва САНИИШ-33 навларидан пайванд қилинади.

Юқорида номлари келтирилган тут навларидан пайвандланган тут кўчатлари етиштириш мақсадида республикадаги тутчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларни ҳар бирида 0,25-0,5га майдонда навли тут кўчатларидан экилган қаламча етиштириладиган оналик тутзор ташкил қилинган бўлиши керак. Бундай қаламча етиштириладиган оналик тутзорлардан қаламча тайёрлаб, ипак қуртини боқишида фойдаланиладиган озуқа тутзорлари ташкил қилинади.

Ўзбекистон ипакчилик илмий-тадқиқот институти навли тутларни етиштириш мақсадида олимлар томонидан ишлаб чиқилган $4,0 \times 0,5$ м шаклда қаламча етиштириладиган тутзор ташкил қилишни тавсия этади. Бундай усулда ташкил этилган қаламча етиштирувчи тутзор кузда чуқур хайдалиб, эрта баҳорда ер юза хайдалади. Бундан ташқари қаламча етиштириш учун ўстириладиган тутзорларни ҳар бир гектарига ҳар икки йилда 20-40 тонна органик ўғит (гўнг) ер хайдашдан олдин берилади.

Июль ойини охири август ойини бошларида тутларни чиниқтириш учун кўшимча 45кг фосфор, 15кг калий ўғитини солиш тавсия этилади.

Якка тартибда ўстиралаётган тут дараҳтларини ёшлирга қараб, баҳорда ҳар бир тут дараҳтига:

10 ёшгача – азот - 125г, фосфор - 60г. ва калий-15г.

10-20 ёшгача – азот - 250 г, фосфор - 125 г ва калий - 60г.

40 ёшдан юқорисига – азот – 1000г, фосфор - 250г ва калий - 120г. минерал ўғитлари билан озиқлантирилади.

Бериладиган ўғитларнинг ярми эрта баҳорда, қолган қисми эса тутларни барги қуртларга кесиб берилгандан сўнг берилади.

Тутларни ўсиш даврида тупроқ шароитига қараб 6-8 марта қондириб сугориш керак. Тутзор бегона ўтлардан тозаланиб турилиши керак. Охирги сув сентябр ойининг биринчи 10 кунлигига берилади.

Тутзорларда «Тут парвонаси» зааркунандасига қарши кураш чоралари

“Тут парвонаси” (*Glaphodes pyloalis* Walher) ҳавфли ҳашарот бўлиб, тут баргининг ашаддий зааркунандаси ҳисобланади. Зааркунанда ипакчилик билан шуғулланиб келаётган Япония, Хитой, Хиндистон ва Марказий Осиёдаги Тожикистон, Туркменистан мамлакатларида тарқалган. Бу ҳашарот хозирги кунда республикамизнинг Сурхондарё ва Фарғона водийсида 100,0 фоиз, Қашқадарё, Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг айрим фермер хўжаликларида

тарқалған бўлиб, тутчиликка катта заар келтирмоқда. У ипак қуртининг ягона озуқаси бўлган тут баргини кемириб, уни бутунлай “скелет” холатига айлантириб қўяди.

Биологик хусусияти. “Тут парвонаси” тўлиқ ривожланадиган зааркунанда, у капалак, тухум, қурт ва ғумбаклик даврларини ўтайди, асосан катта ёшдаги қурт шаклида октябр ойининг учинчи ўн кунлиги ва ноябр ойининг бошларида қишлишга кета бошлайди. Бир қисм қуртлари овқатлана бориб, совуқ тушиши билан қишлишга кетади. Ёш қуртлар (I-III ёшдагилари) қишки совуқларда нобуд бўлади. Қишлишга кетиш учун улар тут дараҳтининг каллакларида, қуриган пўстлоқлар орасида, тўкилган барглар, тут атрофидаги турли эскирган анжомларда ва асбоб-ускуналарда қишлиб чиқади.

Республикамизнинг жанубий вилояти Сурхондарё вилоятида тут парвонаси апрел ойининг биринчи ёки (айрим холларда) иккинчи ўн кунлигида капалаклари учеб чиқа бошлайди. Капалакларининг учеб чиқиши ва тухум қўйиши баҳорда тут дараҳтини барг чиқара бошлиши билан боғлиқ бўлади, лекин, баҳорги зааркунанданинг зарари унчалик сезиларли бўлмайди. Бунга ҳашаротнинг сони кўп бўлмаганлиги сабаб бўлади.

“Тут парвонаси” Сурхондарё вилоятида 7 авлод, Фарғона водийси ва Тошкент вилоятида 6 та тўлиқ авлод бериши кузатилди.

Ҳар бир урғочи зот ўртача 50-60 тадан тухум қўйиши аниқланди.

Зааркунанданинг ёш қуртлари (I-III ёшдаги) тут баргига очиқ яшаб унинг устки қавати билан озиқланиб шикастлайди. Бу даврда у деярли ҳимоясиз ва ожиздир. Тўртинчи ёшдан бошлаб қуртлар баргнинг бир томонини ўраб олади ва унинг ичидаги ҳимояланган холда бўлади.

Тут парвонасининг зарари. Табиийки, тут парвонасининг зарари тут ўсимлигининг ривожланишида намоён бўлади. Тут дараҳтларининг ривожланиши асосан пилла қуртини боқиб бўлгандан кейин содир бўлгани учун бу жараёнга зарари унчалик тегмайди. Лекин, кунлар исиши билан зааркунандани ривожланиши тезлашиб, кейинчалик ўсиб чиқсан баргларни шикастланиши ҳисобига новда узунлиги, йўғонлиги ва қишининг совуғига чидамлилиги пасаяди.

Тут парвонаси тут ўсимлигига келтирган зарарини аниқлаш мақсадида, заарланган тутлар 3 хил даражага ажратилди:

- (1 даражада) тут баргини қисман заарлангани (10-30%);
- (2 даражада) тут баргини ўртача заарлангани (50%);
- (3 даражада) тут баргини кучли заарлангани (100%),

шунинг билан биргалиқда тут новдаларини ўсиши, новда диаметри, барг сатҳи, оғирлиги, унинг келтирган зарари ва барг ҳосили аниқланди.

Тут дараҳтларини барги тут парвонаси билан кучли заарланганда барг ҳосили 1 гектар тутзор ҳисобидан 9,01 ц ни ташкил этди ёки қиёсловчига нисбатан 21,05% барг ҳосили олинган; ўртача заарланганда 20,43 ц (47,72%) ва кучсиз заарланганда эса 24,38 ц ни ёки қиёсловчига нисбатан 51,35 фоиз барг ҳосили олинган.

Кураш чоралари. Тут парвонасига қарши курашишда ташкилий-хўжалик тадбирлари, агротехник, биологик, кимёвий ва механик кураш усуллари кўлланилади. Кураш усулларини тўғри, ўз муддатида юқори самарали қилиб ўтказиш учун ҳашаротнинг ривожланишини ўз вақтида назорат қилиш мақсадга

мувофиқдир. Бунинг учун кузатувчиларни тайёрлаш ва уларнинг ишларини ташкил этиш талаб этилади.

Ташкилий хўжалик тадбирлари. Бунинг учун хўжалик, туман ва вилоят ташкилотлари йил давомида бажариладиган ишлар режасини тузишда тут парвонаси билан заарланган дараҳтларнинг сонини аниқлаш ва уларни ҳимоя қилиш учун сарф бўладиган биоматериаллар, кимёвий препаратлар миқдорини белгилаш, ишлатиладиган пуркагичлар ва бошқа анжомлар сонини аниқлаш ва уларни май ойига қадар тайёрлаш зарур.

Агротехник қураш усули. Тут дараҳти қатор ораларини ҳайдаш, суғориш, кузда яхоб суви бериш, ўз муддатида озиқлантириш ва бошқа тадбирлар дараҳтнинг тут парвонасига қарши чидамлилигини орттиради ва зааркунанданинг ривожланиши учун ноқулай шароит вужудга келтиради.

Биологик қураш усули. Тут парвонаси республикамизда янги ҳашарот бўлганилиги сабабли, унинг ихтисослашган табиий кушандаси аниқланмаган. Аммо, кузатишлардан маълумки, ҳаммаҳўр йиртқич кушандалар (олтин қўз, набис-қандаласи, ари, чумоли, ўргимчак, ҳамда қушлар) нинг аҳамияти каттадир.

Бунинг учун парвонанинг иккинчи авлодидан бошлаб бракон ҳашаротини етук зотини парвона қуртларига 1:4 ва 1:6 нисбатда қилиб, тут парвонасининг қуртларига қарши қўлланилиши самарали натижа беради.

Бракон ҳашаротини тут парвонаси билан заарланган тутзорларга эрта тонгда ва кечга яқин (кун ботиш олдидан) қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Механик қураш усули. Тут баргини зааркунандадан сақлаб бориш учун дараҳтнинг танасига эски қоп ёки турли материаллардан белбоғ боғланиб, уларни ҳар 5-6 кунда иссиқ сувга ботириб олиб тақоријй равишида фойдаланиш мумкин бўлади.

Ипак қуртини боқиши даврида тут дараҳтларининг барча шохлари ва бачки новдаларини қолдирмаслик керак. Кесилмай қолган тут дараҳти ва унинг шохлари зааркунанданинг кейинги авлоди ва унинг кўпайиши учун омил вазифасини ўтайди. Куз ва қиши фаслида тўкилган тут барглари, шох-шаббалари ва қуриган тут дараҳтларини йиғиб ва уларни йўқотиши қишига кетган тут парвонаси авлодининг нобуд бўлишига ва қишлиб чиқадиган авлоди миқдорининг камайиши учун хизмат қиласи.

Кимёвий қураш усули. Зааркунанда қуртларига қарши қурашиш мақсадида инсектицидларни қўллаш самарали усул бўлишига қарамай, уни қўшимча равишида, яъни зарурият бўлгандагина қўлланиладиган усул деб тушунмоқ лозим.

Тут дараҳтлари турли схемада жойлашганлиги сабабли, кўп холларда уларга фақат бир тарафлама ишлов бериш имконияти бўлади. Бу эса қўлланилаётган препаратларни самарадорлигини кескин пасайишига сабаб бўлади. Препаратларнинг ҳар 1 гектар ер майдонига мўлжалланган миқдорини тўғри белгилаш учун тутзорларни ва якка тартибдаги тут дараҳтларини бир ёқлама ва икки ёқлама ишлов бериш шароитларига қараб ҳисоб-китоб ўтказиш зарур бўлади.

Тут парвонасининг қуртларига қарши (кичик ёшларда 1-3 ёш) ўсимлик ичига сингиш қобилиятига эга бўлмаган ва (катта ёшларда IV-V ёш) ўсимлик ичига сингиш қобилиятига эга бўлган препаратлар юқори самара беради (жадвалга қаралсин).

Якка тартибдаги тутларга ишлов беришда бранспойддан фойдаланган холда (Моспилан препарати мисолида) 1 га майдонга 1000 литр сув ва 150 г. препарат

хисобида аралаштириб пуркалади. Агар Фьюри препарати қўлланилса 120 г. микдорида олинади.

Тут парвонаси билан заарланган тутзорларга эрталаб ёки кечқурун шамол бўлмаган вақтларда ишлов бериш керак. Препаратларни тайёрлаш ва ишлатиш жараёнида чекиш, овқатланиш, сув ичиш ва бошқалар қатъиян тақиқланади.

Препаратлар билан ишлов бериш даврида ўсимликларни химоя қилиш ташкилоти вакиллари ва туман пилла мутахассислари иштирок этишлари шарт.

Тут парвонасига қарши ишлатиш учун тавсия қилинадиган инсектицидлар рўйхати

Инсектицидлар	Сарфлаш миқдори	
	л/га	концентрация, %
1-3 ёшдаги қуртларга қарши (заарланиш бошида)		
1. Бульдок, 2,5% э.к.	0,8	0,08
2. Данитол, 10% э.к.	2,0	0,2
3. Децис, 2,5% э.к.	0,3	0,03
4. Калипсо, 48% э.к.	0,1	0,01
5. Каратэ, 5% э.к.	0,5	0,05
6. Суми-альфа, 5% э.к.	0,5-0,6	0,05-0,06
7. Фьюри, 10% э.к.	0,12	0,012
8. Циперметрин, 25% э.к.	0,2-0,3	0,02-0,03
1-5 ёшдаги қуртларга қарши (кучли заарланганда)		
1. Нурел-Д (циперфос), 0,55% к.э.	2,0	0,2
2. Карбофос, 50% э.к.	2,0	0,2
3. Метафос, 40% э.к.	1,0	0,1
4. БИ-58 (фосфамид), 40% э.к.	2,0	0,2
5. Дурсбан, 48% э.к.	1,5	0,15
6. Моспилан, 20% э.к.	0,15	0,015

Пиллачилик маҳсулотларига ишлаб чиқилган меъёрий хужжатлар

Ўзбекистон ипакчилик илмий тадқиқот институтининг олим ва мутахассислари томонидан пиллачилик маҳсулотларига бир қатор меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилган:

1. “Тут ипак қуртининг тирик пиллалари. Техник шартлар” ГОСТ 31257-2004.
 2. “Тут ипак қуртининг қуруқ пиллалари. Техник шартлар” ГОСТ 31256-2004.
 3. “Тут ипак қуртининг қорапачоқ пиллари. Техник шартлар” ГОСТ 31255-2004.
 4. “Тут ипак қуртининг наслли пиллалари. Техник шартлар” ГОСТ 31354-2006.
 5. “Тут ипак қуртининг тешик пиллалари. Техник шартлар” ГОСТ 31308-2006.
- Хозирги кунда мазкур хужжатлар (Давлатларро стандартлар) Ўзбекистон Республикаси ҳамда МДХ давлатлари худудларида жорий қилинган.

